Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 125 (4523).
4 июнь 1981 й.
Пайшанба.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ОДОБ-АХЛОҚ ҲАҚИДА

ОҚШОМ СУҲБАТЛАРИ

«Тошкент оқшоми»нинг янги тематик саҳифаси ана шундай деб аталади.

Бугун Сиз, ҳурматли оқшомхонлар бу саҳифада:

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти доценти О. Тўраева ва шу институт ўқитувчиси Н. Орипованинг болалар тарбиясига бағишланган «Ота-она ибрати» сарлавҳали мақоласини;

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Назир Сафаровнинг «Инсон — ҳаёт гултожи» анкетаси саволларига жавобларини;

Ёзувчи Ҳабибулла Қодирийнинг дилозор кишилар қилмиши тўғрисида ёзган «Дили равшаннинг йўли равон» мақоласини;

«Ишхона — иккинчи уйимиз» рубрикаси остида Н. Валиевнинг кишиларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисидаги «Соғлом кайфият бўлса...», Т. Расулевнинг қўпол муомалали шахслар ҳақидаги «Хулқи совуқ одам» мақолаларини ўқийсиз.

Тошкент металлни қайта ишлаш ишлаб чиқариш бирлашмасининг эмалланган идишлар тайёрлаш цехида кўплаб коммунистик меҳнат зарбдорлари ишлайди. Ушбу суратда ана шундай зарбдорлардан иккиси — Нурхон Тиллаева билан Салтанат Мирсаматова акс этган. Бу илғорлар ойлик топшириқларини 1,5 баробар адо этишмоқда.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

Пойтахтимизнинг бир куни

• КПСС XXVI съезди қарорлари—ҳаётга

• Қардошлик қонунига биноан

• Пионер ёзи бошланди

ЮЗ ХИЛ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ

БУГУН

Тошкент тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида Давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг умумий номи юзта бўлди. Бу бирлашмада тайёрланаётган барча маҳсулотлар умумий салмоғининг 35 процентини ташкил этади.

Шу йилнинг ўзида бешта янги маҳсулот Давлат Сифат белгисига тайёрланди. Улар жун ва ип газламадан тикиб чиқарилаётган хотин-қизлар учун мўлжалланган кўйлаклар, юбкалар, блузкалар ва бошқа буюмлардир.

Бирлашма шу йилнинг бошида пойтахт корхоналари ўртасида биринчи марта хотин-қизлар учун мўлжалланган плашчларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Шу кунга қадар 30 минг донадан зиёд плашч савдо ташкилотларига етказиб берилди. Йилнинг охиригача эса ҳаммаси бўлиб 120 мингта ана шундай янги плашч тикиб чиқарилади.

Янги маҳсулот мошранг, ҳаворанг, жигарранг, кулранг бўлиб уни бичишда ҳозирги давр модасининг тараққий этган элементларидан усталик билан фойдаланилган.

КОРХОНА ПЕШҚАДАМЛИК ҚИЛМОҚДА

БУГУН

корхонада шу йилнинг бошидан буён ишлаб чиқарилган гиштнинг умумий сони 18 миллион донадан ошди.

1-гишт заводлари бошқармасининг меҳнат аҳли улуғвор ўн биринчи беш йиллигининг дастлабки йилида самарали меҳнат қилмоқда.

Ҳар бир тўрт қаватли уй жой биноси қурилишига 250 минг дона гишт ишлатилишини инобатга олган бўлсак корхонанинг шунча маҳсулотидан 70 тадан зиёд бинони бунёд этиш мумкин.

Заводнинг ишчи ва хизматчилари шу йил ҳаммаси бўлиб 42 миллион дона, планга қўшимча эса 2 миллион дона гишт тайёрлаш мажбуриятини олишган. Ишлаб чиқариш топшириқларини И. Бодрина, В. Кравченко, Ю. Аҳмедов, У. Абдуллакаев, Т. Бойназаров, К. Боймирзаев, М. Муҳаммаджонова, Ҳ. Баратовалар кундалик топшириқларни 130—140 процентга етказиб бажаришмоқда.



Сиз суратда кўриб турган Аедин Куртвелиев шаҳримиздаги агрегат заводининг асбобсозлик цехида кўп йиллардан буён фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Илғор ишчи 1981 йил топшириғини Улуғ Октябрнинг 64 йиллигига бажаришга аҳд қилган. Ҳозир у кундалик нормасини 1,5 баравардан бажариш билан бирга, сифатли маҳсулот бермоқда.

И. Глауберзон фотоси.

Тошкент шаҳар партия комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ва область касаба союзлари Советида

ТРАНСПОРТ АНИҚ МАРОМДА ИШЛАСИН

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ва Тошкент область касаба союзлари Совети корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларнинг иш бошлашининг поғонали графиги ва Тошкент меҳнаткашларига пассажир транспорти хизматини яхшилаш масаласини қараб чиқдилар.

Қабул қилинган қарорда шу нарса таъкидланадики, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар ижроия комитети ва Тошкент область касаба союзлари Советининг 1970 йил 23 февралдаги 43/3—5 номерли қарори эълон қилингандан бери ташиш ҳажмини ошириш ва шаҳар аҳолисига пассажир транспорти хизматини яхшилаш бўйича маълум ишлар қилинди. Барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар иш бошлашда поғонали графикка ўтказилди.

Бироқ кўплаб турар жой ва маданий-маиший бинолар қурилаётганлиги, янги турар жой массивлари бунёд этилаётганлиги, кўпгина корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ишга туширилаётганлиги, уларнинг шаҳар ичидаги ўрни ўзгараётганлиги, шунингдек иш бошлаш графиклари ўзбошимчалик билан ўзгартирилаётганлиги оқибатида пассажирлар оқимининг вақт бўйича бир маромда тақсимланишига ҳалал берилянти.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ва Тошкент область касаба союзлари Совети Тошкентдаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг иш бошлаш вақтларини янада тартибга солиш, шаҳар меҳнаткашларига пассажир транспорти хизматини яхшилаш мақсадида 1981 йил 1 июлдан Тошкентда корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг қуйида эълон қилинаётган иловага мувофиқ равишда поғонали иш бошлаш графигини жорий этишга қарор қилдилар.

Поғонали графикка мувофиқ равишда ҳар бир корхона, ташкилотга иш режимининг янги паспортини бериш белгиланди. Маиший хизмат кўрсатиш ва коммунал хўжалик корхоналарига иш режими паспортини бераётганда уларнинг иши икки сменада бўлиши кўзда тутилсин. Раҳбарлар, бошланғич партия ташкилотлари, фабрика-завод касаба союз комитетларига Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетидан иш режими паспортини олиш ва 1981 йил 1 июлдан корхона ва ташкилотларнинг иш бошлашини янги паспортга мувофиқ равишда ташкил этиш, ишчи ва хизматчиларга бу тадбирнинг зарурлиги ва максадга мувофиқлигини тушунтириш топширилсин.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, область касаба союз комитетлари зиммасига иш бошлашнинг поғонали графиги бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш мажбурияти юклатилсин.

Иш режимининг янги паспорти берилаётганда корхоналардаги ишнинг ва олий ўқув юртларидаги машғулотларнинг бошланиши поғонали графикда белгиланган чегарада йўловчилар оқими ва уни тўғри тақсимлаш масалаларига боғлиқ ҳолда аниқланиши белгилансин. Иш режимининг янги паспорти берилаётганда айрим ҳолларда иш шароити ўзгариши муносабати билан корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар касаба союз ташкилотларининг илтимосига биноан, графикда белгиланган иш бошлаш вақтини ўзгартиришга рухсат этилади.

Поғонали графикни жорий этиш бўйича барча тайёргарлик ишларини амалга ошириш ва унинг ижроси устидан мунтазам назорат ўрнатиш Тошкент шаҳар ижроия комитети барча пассажир транспортлари ишини координациялаш ва ривожлантириш бошқармаси, шаҳар план комиссияси, саноат, транспорт, қурилишлар, муассасалар, маҳкамалар ва ўқув юртларининг раҳбарлари — зиммасига юклатилди. Корхоналар (ташкилотлар)нинг жойлашуви, улардаги ходимларнинг миқдори ва иш бошлаш вақти ҳақидаги ахборотлар билан эса, шаҳар статистика бошқармаси таъминлаб туради.

Мазкур қарорга мувофиқ равишда транспорт ташкилотларининг раҳбарлари ва касаба союз комитетлари ҳайдовчиларнинг, вагон бошқарувчиларининг, кондукторларнинг, ремонтчи ишчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг меҳнат ва дам олиш шароитини тубдан яхшилаш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини анча ошириш бўйича қисқа муддатда тадбирлар ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари лозим.

Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекцияси ва шаҳар пассажир транспортининг барча турлари ишини координациялаш ва ривожлантириш бошқармасига шаҳар пассажир транспорти бекатларини ислоҳ ва ободлаштириш ва саноат корхоналари яқинида ташкил этиш топширилди.

Шаҳардаги корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарларига касаба союз ташкилотлари билан биргаликда корхонага хизмат қиладиган маршрутларга оталиқ қилиш ва уларни назорат этиш, шунингдек корхоналар яқинидаги бекатларни ободонлаштириш тавсия этилди. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ва Тошкент область касаба союзлари Советининг 1970 йил 23 февралдаги 43/3—5 номерли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ТОШКЕНТ МАШИНАСИ МАНЗУР БЎЛМОҚДА

Ўзбекистон пахтачилигида кенг шуҳрат қозонган «зангори кема»ларимиз ҳатто чет эл мамлакатларида ҳам шуҳрат қозонмоқда.

Вьетнам Социалистик Республикасининг пахтакорлари Тошкентда тайёрланган «оқ олтин»ни терадиган машинани ишлатишни орзу қилар эдилар. Эндиликда уларнинг нияти амалга ошмоқда. Тошкентдаги К. Е. Ворошилов номли қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи бу мамлакатнинг буюртмасини бажарадиган бўлди.

БУГУН

ана шу мамлакатга пахта териш машиналарининг бир партияси жўнатилди.

Африка қитъасидаги Ангола Республикаси ҳам Тошкент корхонасининг буюртмачилари сафидан ўрин олди. Чунки совет мутахассислари ана шу мамлакатда қишлоқ хўжалиги ходимларига пахта етиштириш ва уни механизация воситаларида йиғиштириб олиш ишида яқиндан ёрдам бермоқдалар. Бу мамлакат шу йилнинг ўзида 10 та пахта териш машинасини сотиб олади.

Яман Халқ Демократик Республикаси ҳам корхона буюртмачилари сафида тилга тез-тез олинадиган бўлди. Корхона шу йилнинг ўзида дўст мамлакатга бир неча машинани юборади.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● СССР Қуролли Кучлари билан Куба Республикаси қуролли кучлари ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми Куба Республикаси Революцион қуролли кучлари министри армия генерали Рауль Кастро Русни Октябрь Революцияси ордени билан мукофотлади.

● 3 июнь куни кечқурун Тошкентдаги Муқимий номли театрда Совет ва Панама ёшлари дўстлик ҳафталиги тантанали равишда очилди.

● ФУТБОЛ

Навбатдаги турда

Кеча футбол бўйича мамлакат биринчилигининг навбатдаги турида Тошкентнинг «Пахтакор» командаси Ростов-Дон шаҳрининг Армия спорт клуби коллективи билан куч синашди. Учрашувда 2:1 ҳисобида меҳмонлар ғалаба қозонишди.

Шу турнир қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Динамо» (Москва) — «Днепр» — 4:1, «Қайрат» — «Нефтчи» — 2:0, «Динамо» (Тбилиси) — «Торпедо» — 0:0, «Спартак» — «Шахтёр» — 1:0, «Таврия» — «Кубан» — 3:1, «Арарат» — МАСК — 1:0, «Динамо» (Минск) — «Динамо» (Киев) — 0:1, «Зенит» — «Черноморец» — 1:2.

● ТОШКЕНТ — ЖАҲОНГА

ЎЗБЕКИСТОН НАМОЙИШ ЭТАДИ

Шу йилнинг кузида Вьетнам Социалистик Республикасида Совет Ўзбекистони иштирокида Совет Иттифоқи маданияти кунларини ўтказиш мўлжалланмоқда.

БУГУН

республика бадиий-ҳунармандчилик саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналарида ана шу маданият кунларида намойиш этиладиган ўзбек миллий буюмларининг кўргазмасини тайёрлашга киришилди. Бирлашма корхоналари дўст мамлакатга Бухоро зардўзлик фабрикасида тайёрланадиган нафис нимчалар, оёқ кийимлари, дўппилар, Тошкент ва Шаҳрисабз бадиий буюмлар фабрикаларида тайёрланган дўппилар, Андижон, Самарқанд корхоналарида ишлаб чиқарилган бадиий каштачилик буюмлари, Тошкент музика асбоблари фабрикасининг маҳсулотларини юборадилар.

Бундан ташқари бирлашма Туркиянинг Измир шаҳрида ўтказиладиган халқаро саноат ярмаркаси учун ҳам Ўзбекистон корхоналарида ишлаб чиқарилаётган ана шундай нафис ва жозибали маҳсулотларнинг катта туркумини юборди. Жўнатилган экспонатларнинг умумий сони 130 дан ошади.

Чехословакия Социалистик Республикасидан 1500 та сопол лаган ва коса тайёрлаб берилиши ҳақида буюртма олинди. Риштондаги керамика заводининг коллективи ана шу буюртманинг катта қисмини тайёрлаб бўлди. Маҳсулотлар яқин вақтлар ичида Прагага етиб боради.

УМРИ БОҚИЙ ДЎСТЛИК

ИВАНОВО ЧОРЛАЙДИ

Тошкент ва Иваново областлари меҳнаткашларининг ўртасида олиб борилаётган яхши дўстлик алоқалари ўзининг муносиб самараларини бермоқда. Бу дўстлик санъаткорлар, бадиий ҳаваскорлик коллективларининг гастроллари билан янада мазмунли бўлмоқда.

БУГУН

Тошкент область касаба союзлари Советининг қарорига биноан Чирчиқдаги пойафзал фабрикасининг «Ҳайтарма» қрим-татар халқ ашула ва рақс ансамбли Ивановога гастроль сафари билан борадиган бўлди. Корхонанинг бадиий ҳаваскорлари дўст ўлкада 14 июндан 19 июнгача қатор концертлар беришади. Улар «Средазирсовхозстрой» бошқармасининг Иваново-да меҳнат қилаётган трести коллективлари ҳузурида бўлишади, кўпгина хўжаликларда маданий хизмат кўрсатишади.

«Ҳайтарма» ансамбли бундан ўттиз йил муқаддам ташкил этилган. У область, республика, Бутуниттифоқ кўрикларининг голиби бўлган. Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди иш кунларида мажлислар залида ўз маҳоратини намойиш этди. Ансамблнинг бадиий раҳбари Ҳафиза Куртаметовадир. У яқинда Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими унвонига муносиб бўлди.

Ансамбль гастроли кунларида Чирчиқдаги «Электрохимпром» корхонасининг маданият саройи тасвирий санъат студияси ҳаваскорлари ижод этган рассомчилик асарлари ҳам намойиш этилади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ МИНИСТРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР, КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАРНИНГ ИШ ГРАФИГИ

Иш бошланади

1. Мактабгача болалар муассасалари соат 8.00
2. Мактабгача болалар муассасаларининг навбатчи группалари соат 6.30 минут
3. Икки, уч сменада ишловчи саноат корхоналари, транспорт ташкилотлари ва озиқ-овқат магазинларининг бир қисми соат 7—8
4. Бир сменада ишлайдиган саноат корхоналари, таъминот-тақсимот ташкилотлари соат 7—8
5. Қурилиш ташкилотлари соат 8.00
6. Поликлиникалар, озиқ-овқат магазинларининг ва умумий овқатланиш корхоналарининг бир қисми соат 8.00
7. Илмий-тадқиқот, конструкторлик ташкилотлари ва лойиҳа институтлари соат 8.30 минут
8. Техникумлар ва мактаблар соат 8.30 минут
9. Олий ўқув юртлари, озиқ-овқат ва саноат буюмлари магазинлари ҳамда умумий овқатланиш корхоналарининг бир қисми соат 9.10 минут
10. Шифохоналар соат 9.00
11. Аҳолига маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари соат 8.10 минут
12. Республика, область, шаҳар, район партия, совет ва жамоат ташкилотлари марказий аппарати соат 10.00
13. Бошқа барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар соат 10.00

ЭСЛАТМА: шаҳар транспортининг маршрутларининг сўнгги бекатидан ҳаракати бошланиши:

трамвайлар ва троллейбуслар соат 5.45 минут
автобуслар соат 6.00
метрополитен соат 6.00

Мактабгача болалар муассасаларининг яши тугайдиган вақт соат 19.30 минут.

МАДАНИЯТ МАСКАНИДА

«ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ—САНЪАТЛАР ДЎСТЛИГИ»

БУГУН

пойтахтимизнинг Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғида «Халқлар дўстлиги — санъатлар дўстлиги» номи билан катта маданий тадбир ўтказилади. Боғ маъмурияти КПСС XXVI ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездларига бағишлаб ана шундай тадбирларни мунтазам ўтказишга киришмоқда.

Бугунги дўстлик учрашувига Украина республикасининг Қрим филармонияси давлат симфоник оркестрининг коллективи таклиф этилган. Бу оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри, Украина ССРда хизмат кўрсатган артист А. Ф. Гуляницкий ва дирижёри А. Шульчин. Меҳмонлар маросим бошланишидан олдидан ўзбек миллий урф-одати бўйича карнай-сурнай садолари билан кутиб олинади. Украиналик санъаткорлар ўзбек томошабинларини рус, украин, ўзбек композиторларининг қатор асарлари билан таништирадилар.

Ижрочилик репертуаридан улуғ рус композиторлари Чайковскийнинг «Оққуш кўли» балетидан, Д. Шостаковичнинг «Сўна» фильмига ёзган музикасидан, А. Хачатурянинг «Спартак» балетидан, украин бастакорлари Н. Лисенконинг «Наталька-Полтавка» операсидан парчалар, Д. Покрассининг «Украина — менинг Украинам» асари ўрин олган. Меҳмонлар бундан ташқари ўзбек композиторлари Икром Акбаровнинг «Ҳамза» фильмига ёзган Зулфиянинг сўзсиз қўшиғини, «Хоразм рақси» асарини ижро этадилар. Украин санъаткорлари маҳорати намойиши билан махсус тасвирий санъат кўргазмаси ташкил этилди ва кун бўйи боғ радио карнайидан украин қўшиқлари янграб туради.

БИЗНИНГ ИНТЕРВЮ

ОРОМГОҲЛАР ҚУЧОҚ ОЧДИ

БУГУН

Шундай қилиб республикамизда мавжуд бўлган барча пионер лагерларида болаларнинг қувноқ овози эшитиладиган бўлди. Республикамизда пионер ёзини мазмунли ўтказишга қандай тайёргарлик кўрилди? Ана шу ҳақда гапириб бериш учун Ўзбекистон касаба союзлари Советининг маданий-оммавий ишлар бўлими мудири Карима Рустамовна МАҲМУДОВАга мурожаат этдик:

— Бахтиёр фарзандларимиз бу кунни жуда ҳам интиқ бўлинг, болалар!» деган ёзувлар осилган автобуслар карвони пайдо бўлди. Улар мактаб ўқувчиларини сўлим оромгоҳларда жойлашган пионер лагерларига ташиш ишларини бошладилар.

республика пойтахти ва шаҳарларининг кўчаларида «Эҳтиёт бўлинг, болалар!»

— Республикамизда мавжуд бўлган 431 та пионер лагерининг эшиклари эгалари учун кенг очиб қўйилди. Мавсумни ҳар томонлама намунали ўтказиш мақсадида 11 та қўшимча лагерь ташкил этилди. Улар пойтахт областининг Ҳумсон қишлоғида, Наманган областининг Косонсой қишлоғида ҳамда Сурхондарё, Жиззах, Самарқанд областларида ташкил этилган.

— Карима Рустамовна, болаларнинг меҳнат ва спорт билан машғул бўлиши учун ҳам лагерлар ишлашига эътибор берилганми?

— Албатта. Республикада 150 та меҳнат ва дам олиш лагери мавсумга шай этилди. Уларда юқори синф ўқувчилари колхоз ва совхозларнинг ишларига яқиндан ёрдам бериш билан бирга мазмунли ҳордиқ ҳам чиқарадилар. Шунингдек, 28 та спорт лагери ҳам ишлайди.

— **Пионер лагерларида болаларнинг дунёқарашини шакллантириш мақсадида қандай тадбирлар белгиланган?**

— Ёз мавсумида оромгоҳларда олиб бориладиган сиёсий-тарбиявий ишларнинг катта режалари тузиб чиқилган. Кўпгина тадбирлар пролетариат доҳийси В. И. Ленин туғилган кунининг 111 йиллиги, КПСС ва Ўзбекистон Компартиясининг съездлари қарорларини болаларга тушунтиришдан иборат. Бундан ташқари физкультура ва спорт ишларига жуда катта ўрин берилган. Болалар «Нептун», «Эстафета» ўйинларида актив қатнашадилар. ГТО нормаларини топширадилар, дарёли ва кўлли жойларда сузишни билмайдиган болаларга алоҳида сузишни ўргатиш тўгараклари ишлайди.

— **Пионер лагерларида болаларнинг таълим-тарбияси, саломатлиги, овқатланиши билан шуғулланадиган ходимлар етарли ажратилганми?**

— Ўзбекистон касаба союзлари йўли билан барча пионер лагерларининг фаолиятини етарли олиб бориш мақсадида 15 миллион 200 минг сўмдан зиёд пул ажратилган. Жуда кўп замонавий ва қулай бўлган мебеллар, асбоб-ускуналар сотиб олинган. Болаларнинг таълим-тарбияси билан 4 минг педагог, 4 минг пионервожатий шуғулланади, бир минг ошпаз, бир минг физкультура ходими, бир минг врач хизмат кўрсатади. Пионер лагерларида ишлайдиган ишчиларнинг умумий сони 15 минг кишидан ошади.

— **Ўзбекистон мактабларининг ўқувчилари мамлакатимизнинг бошқа пионер лагерларига ҳам боришадими?**

— Албатта. Пионер ёзи мавсумида 200 дан зиёд ўқувчи Анапа ва Евпаторийнинг энг гўзал манзаралари жойларида ташкил бўлган санаторий типидаги лагерларда ҳордиқ чиқаришади.

Ватанимиз пойтахти Москва шаҳрининг бир группа ўқувчилари Косонсой районида жойлашган «Дўстлик» меҳнат ва дам олиш лагерида бўладилар. Бундан ташқари Қозоғистоннинг Бойқўнғир шаҳридаги ишчи ва хизматчиларининг 350 фарзанди Наманганда «Заречной» ва «Лола» пионер лагерларида саломатлигини яхшилайди.

Биз сўз билан айтганда партия ва ҳукуматимиз бахтиёр авлоднинг ёзги дам олиши ва саломатлигини яхшилаши учун барча куч-ғайрат ва воситаларни сафарбар этмоқда.

Суҳбатни **А. ПУЛАТОВ** ёзиб олди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ:

Съездда шу ҳақда гапирилган эди

ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ ЭСТАФЕТАСИ

Пойтахтимизда республиканинг ўн беш ишлаб чиқариш илғор ва новатори бошлаб берган ватанпарварлик ҳаракати тобора кенг қулоч ёймоқда. Меҳнат коллективлари, беш йиллик зарбдорлари партиямиз XXVI съезди белгилаб берган режаларни муваффақиятли амалга ошириш учун қизғин курашмоқдалар.

Тошкентдаги кўҳна ва навқирон корхоналардан бири — Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводи партия комитети секретарининг ўринбосари И. НОРМАТОВ махсус мухбиримиз билан суҳбатда социалистик мусобақа, унда коммунистларнинг авангардлик роли ҳақида шундай сўз бошлади:

— Корхонамиз ҳовлисида ажойиб бир музей бор. Унга тез-тез кириб тураман. Кўпгина тарихий воқеалардан гувоҳлик берувчи экспонатлар, ҳужжатлар билан яна бир бор танишаман.

Мана, характерли бир мисол. Партиямиз XVII съезди очилишига беш кун қолганда, Ўрта Осиёдаги тўнғич пўлат қуюв цехининг икки мартени эритма беради. Корхонамизни ўша пайтда Қизил Шарқ устахонаси деб аташарди. «Қизил шарқлик»лар дастлабки эритилган пўлатдан доҳиймиз В. И. Ленининг бюстини қуйишган! Корхонамиз ишчилари ва хизматчилари беш йиллигининг дастлабки йилларидан бошлабоқ зарбдорона ишлай бошлаганлар. Кўп ўтмай стахановчилик ҳаракати кенг тус олиб кетади. Масалан, тарихий фактларнинг гувоҳлик беришича, 1936 йилнинг биринчи январигача заводда 400 стахановчи бўлган экан.

— Ушандан буён корхона кўпгина шонли воқеаларнинг гувоҳи бўлган. Коллективингиз коммунистлар етакчилигида яхшияхши ташаббусларни бошлаб берган. Ана шу коммунистларнинг шахсий намунаси ҳақида нималар дея оласиз?

— Электр-машина цехи бригадири, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Октябрь революцияси ордени-нинг кавалери, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Николай Матвеевич Железновни коллективимиз ғоят ҳурмат билан тилга олади.

Унинг ўзи ҳикоя қилишича, Улуғ Ватан уруши йилларида темир йўл билим юртини битириб, корхонамизда слесарлик қилган, фронтда қатнашган. Уша пайтда у 20 ёшларда экан. Фронтда алоқачи бўлиб хизмат қилган. Ўтган йиллар ичида у бошчилик қилаётган слесарлар бригадаси ҳамиша социалистик мусобақада пешқадамлик қилиб келди. Бригада аъзоларининг кўпчилиги 31-шаҳар ҳунартехника билим юртини битирган ёшлардир. Бригада аъзолари аҳил бўлгани учун ҳам ҳамиша кўнгилдагидек ютуқларга эришянти. Бригадирнинг ўзи билан суҳбатлашиб қолсангиз, қаерда коммунистлар меҳнат қилса, ўша ерда ютуқлар кўпаяверади, дейди. Буни эса ўзи ва ҳамкасб дўстлари меҳнат фаолиятидан мисоллар келтириб, тасдиқлайди ҳам.

— Леонид Ильич Брежнев, социалистик мусобақа — омманинг ижоди, деган эди. Железновга ўхшаганлар корхонада кам бўлмаса керак. Уларнинг ташаббусларн ҳақида гапириб берсангиз...

— Ҳақиқатан, иморатни бир киши қурмайди. Уни коллектив бунёд этади. Шунга ўхшаб, корхона муваффақияти кўпчиликнинг меҳнати билан қўлга киритилади. **Ўртоқ Л. И. Брежнев жуда тўғри таъкидлаб ўтганидек, мусобақа одамларнинг юксак онглилигига ва ташаббускорлиг н г а асосланади.** У бамисоли қудратли тўлқин! Олинаётган мажбуриятлар ҳар томонлама пухта асосланган бўлса, мусобақада кўнгилдагидек натижаларга эришиш мумкин.

— Гапнинг лўндаси, баъзи ҳолларда социалистик мажбурият қўйидан эмас, «юқорн»дан белгиланганда, мусобақа руҳига зарар етадими?

— Бу ҳақда съездда ҳам рўй-рост айтилди. Корхонамиз партия комитети мусобақани ташкил этишда, ташаббускорликни кучайтиришда унинг қўйидан бошланишига, энг муҳими эса реал бўлишига эътиборни қаратяпти. Сир эмас: баъзи жойларда бирон ташаббусни дарҳол қўллаб-қувватлашадию, бу мажбуриятни бажариш учун шарт-шароит етарлими, бунй ҳисобга олишмайди. Партия комитети ана шундай ҳолга асло йўл қўймаслик тадбирларини кўрмоқда.

Республикамизнинг ўн беш илғор ишчисининг бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини бажариш ташаббусини корхонамизда қўллаб-қувватлаётганлар сафи кенгайиб борянти. Юқорида айтганимдек, бунда реал имкониятларни ҳисобга олишга алоҳида эътибор берямиз. Николай Железнов бригадаси беш йиллик топшириқни муддатидан илгари бажаришга қарор берди. Резисторларни ремонт қилувчилар бригадасига коммунист, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди делегати Александра Ивановна Бесчетнова бошчилик қиляпти. Улар ҳам ўз зиммаларига янги мажбурият олишгаи. Асбобсозлик цехида эса Владимир Осипов етакчилик қилаётган бригада беш йиллик топшириқни тўрт ярим йилда бажармоқчи. Ремонт-комплектл а ш цехининг токари Т. Терина ва бошқа кўплаб беш йиллик зарбдорлари, коммунистлар партиямиз XXVI съезди қарорларига амалий иш билан жавоб бериш учун бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан самаралироқ ишлашга интилмоқдалар.

Коммунист Аркадий Иванович Ткаленко бошчилик қилаётган якорь цехи коллективи ўтган декада-нинг биринчи ўринни қўлга киритди. Ў Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер, ишнинг кўзини билган моҳир коммунист. Коллективни янги марраларга руҳлантиряпти.

— Мусобақа руҳига таъсир этган омиллар ҳақида нима дея оласиз?

— Коллективимиз КПСС XXVI съезди кунларида ва ундан кейин ҳам зўр кўтаринки руҳ билан меҳнат қилди. Мамлакатимиз коммунистларининг анжумани, унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ёркин Ҳисобот доклади корхона ҳар бир ишчиси қалбида янада унумлироқ меҳнат қилиш, кўпроқ ташаббус кўрсатиш, қатъиятли бўлиш ҳиссини уйғотди. Съезд қарорлари муҳокамаси жараёнида кўпгина ташаббуслар майдонга келди. Коммунистларнинг етакчилик роли, ташаббускорлиги ошди. Ҳозир ҳар ўн кунда мусобақа якунларини мунтазам кўриб борямиз.

Мусобақа якунларини кўриб чиқиш шартларига ҳам тузатишлар киритилган. Масалан, унда фақат ишлаб чиқариш кўрсаткичлари: маҳсулот миқдори ва сифатигина эмас, аввало цех ва бригадаларда меҳнат интизомининг аҳволи, меҳнатни муҳофаза этиш, техника хавфсизлиги бўйича амалга оширилган ишлар ҳам ҳисобга олинянти.

— Мусобақанинг ошкоралиги ва таъсирчанлигини ошириш ҳақида кўп гапиришади...

— Ҳа, унинг форма ва методларини муттасил такомиллаштириш корхонамиз партия комитетининг доимо диққат-эътиборида турибди. Биз булар ҳақида мусобақа якуни кўрилаётган актив йиғилишларида бафуржа келишиб оляпмиз. Бундай йиғилишларга цех партия ташкилотларининг секретарларини, цех касаба союз комитети раисларини ва бошқа мутасадди кишиларни таклиф этяпмиз. Пўлат-қуюв цехидан Геннадий Руденко, асбобсозлик цехидан Аминжон Ғулом-ов, темирчилик цехидан Василий Сонин, тепловоз цехидан Ҳалим Қосимов сингари кўплаб пешқадам коммунистлар фақат ишлаб чиқаришда шахсий намуна кўрсатибгина қолмай, мусобақани кучайтиришга оид қимматли фикрларини партия комитетига билдирадилар. Масалан, одатда ёшлар ниманувчан бўлишади, Улар корхонада суяги қотган, бир неча йиллардан буён ишлаб чиқариш пешқадамлари сафидан жой олиб келаётган меҳнат зарбдорларининг сафида бўлгиси келади. Буни мураббийлар ҳам сезишади. Шунинг учун партия комитети мусобақанинг тарбия мактаби эканлигини ҳисобга олиб, унинг мана шу маънавий томонига эътиборни кучайтиряпти. Юқорида номлари тилга олинган кўпгина ветеранлар, тажрибали ишчилар ёшларнинг илғорлар сафидан жой олишига кўмаклашмоқдал а р. Мусобақага оид стендларда. «Чақмоқ»ларда янги номларнинг пайдо бўлиши ҳамиша қувончлидир. Бу съездда таъкидлаб ўтилганидек, меҳнат мусобақасининг руҳига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, у меҳнатда қаҳрамонлик ва фидокорлик намуналарини тоблаб боради. Қисқаси, мусобақанинг мазмунли, мароқли ва ижодий бўлиши учун кўп куч-ғайрат сарфлаяпмиз.

Суҳбатни

Ҳамид ИКРОМОВ

олиб борди.

МУКОФОТ МУБОРАК!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ БИРЛАШМАЛАРИ, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА:

Ўнинчи беш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган муваффақиятлари учун **мукофотлансин:**

Ўзбекистон ССРдан
Тошкент шаҳри бўйича:

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Тубалов Владимир Николаевич — Тошкент қурилиш материаллари комбинатининг мастери.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Гарбер Дмитрий Хайкович — Тошкент қурилиш материаллари комбинатининг слесари.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Бикбоев Мурод Сулаймонович — Тошкент қурилиш материаллари комбинатининг буюмлар тобловчиси.

Голобоков Владимир Александрович — Тошкент қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-гишт заводининг ишчиси.

Расулов Исмоил Расулович — «НИИстромпроект» лаборатория мудири.

Файзуллаев Тухтан — Тошкент қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесарь-ремонтчиси.

Цибусов Владимир Николаевич — «Ўзстроммонтаж» трести Тошкент тажриба-механика заводининг директори.

III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Галимов Рашид Қаюмович — «Тошкентмрамор» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент экспериментал мармар заводининг фрезерчиси.

Ғаффоров Саттор — Тошкент қурилиш материаллари комбинатининг қоришма тайёрловчиси.

Жабборов Осим Ҳакимович — Тошкент қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бирлашмаси 4-гишт заводининг ишчиси.

Тўхтахўжаев Рафаэль Усмонович — Тошкент тажриба-механика заводининг слесарь-асбобсози.

Шевченко Валентина Николаевна — Тошкент экспериментал қурилиш материаллари заводининг ишчиси.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН.

Аванесова Элеонора Александровна — «Силикат» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси «Оргтехстройматериали» ихтисослашган конструкторлик-технология бюросининг бўлим бошлиғи.

Бедулев Георгий Степанович — Тошкент тажриба-механика заводининг мастери.

Бодрина Ирина Архиповна — Тошкент 1-гишт заводлари бошқармасининг ишчиси.

Хуснитдинов Ринат Шайхиевич — «Тошкентмрамор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг буюмларга сайқал берувчиси.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Бланк Бруно Николаевич — «НИИстромпроект» бўлим бошлиғи.

Дементьев Владимир Иванович — Тошкент қурилиш материаллари комбинатининг ишчиси.

Кузьменко Александр Афанасьевич — Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министрлигининг ахборот-ҳисоблаш маркази слесари.

Мансуров Сандвали Муродович — «Силикат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси «Оргтехстройматериали» ихтисослашган конструкторлик-технология бюросининг электр монтёри.

Набиев Мираҳмад — Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги 1-Тошкент автобазасининг автомобиль ҳайдовчиси.

Осанов Виктор Иванович — Тошкент тажриба-механика заводининг электр-газ пайвандчиси.

Пестряков Владимир Борисович — Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги комплекс кон-геология экспедициясининг лойиҳа ҳужжатларини тузиш бўйича партия бошлиғи.

Самиғов Абдураҳим — «Ташкентмрамор» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиларининг бригадири.

Тутигин Анатолий Игнатьевич — Тошкент тажриба-механика заводининг слесарь-йиғувчиси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1981 йил, 19 март.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БЎЙИЧА СССР ДАВЛАТ КОМИТЕТИ БИРЛАШМАЛАРИ, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА.

Ўнинчи беш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган муваффақиятлари учун **мукофотлансин:**

Ўзбекистон ССРдан
Тошкент шаҳри бўйича:

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Литвинова Лидия Тимофеевна — «Гипропромсельстрой» институти Тошкент бўлимининг катта инженери.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1981 йил, 14 апрель.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ТАЙЁРЛОВ МИНИСТРЛИГИНИНГ БИРЛАШМАЛАРИ, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА.

Ўнинчи беш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган муваффақиятлари учун **мукофотлансин:**

Ўзбекистон ССРдан
Тошкент шаҳри бўйича:

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Темирбоев Мирзажон — Тошкент 1-ун заводининг ишчиси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1981 йил, 14 апрель.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МИНИСТРЛИГИ БИРЛАШМАЛАРИ, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА.

Ўнинчи беш йиллик план топшириқлари ҳамда минерал ўғитлар ва ўсимликларни муҳофаза этиш химиявий воситаларни ишлаб чиқариш бўйича социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажарганлиги учун **мукофотлансин:**

Ўзбекистон ССРдан
Тошкент шаҳри бўйича:

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Браилов Анатолий Васильевич — касаба союзлари Тошкент область Советининг раиси.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Маҳмудов Мансуржон — Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область комитетининг биринчи секретари.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Васильев Петр Васильевич — «Средазхимремстройм-онтаж» ремонт-қурилиш-монтаж трестининг бўлим бошлиғи.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1981 йил, 6 апрель.

Юқори малакали мастер Абдуфаттоҳ Шукуровнинг Тошкент агрегат заводида ишлаётганига 20 йилча бўлиб қолди. У ўнинчи беш йиллик планини 3,5 йилда бажарган эди. Ун биринчи беш йиллик шахсий топшириқларини уч йилда адо этишга аҳд қилган моҳир ишчи шу кунлар-да смена топшириқларини мунтазам ортиғи билан бажармоқда.

СУРАТДА: А. Шукуров.

В. Сироткин фотоси.

◆ ТОШКЕНТ — МАМЛАКАТГА

БУЮРТМА БАЖАРИЛДИ

Бутуниттифоқ полиграфия корхоналарининг биноларини лойиҳалаш илмий-тадқиқот институтининг Тошкентдаги филиали архитекторлари группаси яна бир шарафли буюртмани бажарди. Улар Грузиянинг пойтахти Тбилисида қад кўтарадиган офсет босма фабрикаси биносининг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб бердилар. Лойиҳага Фридрих Ким раҳбарлик қилди.

Маҳсулотларнинг этикеткалари ва тасвирий санъат асарлари репродукцияларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган бу матбуот корхонасининг комплекси иккита тўғ қаватли бино — ишлаб чиқариш ва маъмурий-маиший корпуслардан иборат бўлади. Икки бино бир-бири билан йўлаклар воситасида туташади.

Офсет босма ишлари асосан химиявий реактивлар ва кўп миқдорда сув ишлатилиши билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам лойиҳачилар саноат оқавасини зарарсизлантирадиган станция, вентиляция ускуналари ўрнатилишини кўзда тутганлар.

ЧИДАМЛИ МАҲСУЛОТ

Ўрта Осиё темир йўлларида қатор магистралларнинг изларини янгилаш, янги йўлларни қуриш биринчи навбатда Тошкентдаги рельсчилик корхонаси коллективининг меҳнати билан чамбарчас боғлиқ. Собир Раҳимов районида жойлашган 14-рельс пайвандлаш поездининг коллективи ўтган ўнинчи беш йилликда 1500 километр темир йўл изини сифатли пайвандлаб буюртмачиларга етказиб берди. Бундан ташқари 620 километрдан ортиқ рельс қайта тикланиб ишлаб чиқаришга қайтарилди. Бу маҳсулотлар асосан Қўнғирот, Ашхобод, Термиз, Фарғона темир йўлларига ишлатилди.

Рельссозлар — КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларидан илҳомланган ҳолда меҳнат қилмоқдалар Ренат Кашапов раҳбарлик қилаётган пайвандлаш участкаси йиллик планни 7 ноябргача якунлаш учун қизғин иш олиб бормоқда. Корхонанинг меҳнат аҳли шу кунга қадар юз километрдан зиёд рельсни пайвандлаб Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Бухоро темир йўлларида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари учун юборди.

Жаҳон ойнаси

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

3.500.000—РАДИОКАССЕТОФОН

БУХАРЕСТ. Руминиянинг Ясси шаҳридаги «Технотон» заводи конвейеридан 3.500.000 рақамли стационар радиокассетофон тайёр бўлиб тушди. Руминия радиоэлектрон саноатининг бу ёш корхонаси унинг дастлабки қувватлари ишга туширилган 1974 йилдан буён ҳар хил моделдаги ана шунча радиоприёмник ва кассетофонлар ишлаб чиқарди. Завод коллективи шу давр мобайнида мамлакатдагина эмас, шу билан бирга чет элларда ҳам манзур бўлаётган радиоприёмниклар, телевизорлар, кассетофонлар ва бошқа радиоаппаратларнинг 120 дан ортиқ ҳар хил турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. «Технотон» тамғаси қўйилган маҳсулотнинг талайгина қисми социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига етказиб берилмоқда.

МАРОҚЛИ МАРШРУТЛАР

УЛАН-БАТОР. Халқ Монголиясида бошланган бу йилги туристик мавсумда чет эллик меҳмонлар учун янги мароқли маршрутлар ишлаб чиқилди. Ана шу маршрутлар республиканинг энг хушманзара районларида жойлашган бир қанча туристик марказларни бирлаштиради.

Ниҳоясига етган беш йилликда аввалги беш йилликдагига қараганда Монголияда икки баравар кўп чет эллик туристлар бўлди. Уларни республиканинг беқиёс табиати ва ўзига хос маданиятигина эмас, шу билан бирга халқ ҳокимияти йиллари мобайнида монгол меҳнаткашлари эришган катта муваффақиятлар ҳам қизиқтирмоқда.

Ҳозирги вақтда Монголиянинг «Жулчин» туристик ташкилоти чет эллардаги 30 дан кўпроқ ташкилот ва фирмалар билан қалин алоқа боғлаб турибди. Унинг социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлиги айниқса самарали ривожланмоқда.

ЭФИОПИЯДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

АДДИС-АБЕБА. Эфиопияда соғлиқни сақлашни ривожлантириш программаси ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Бу программага мувофиқ мамлакатнинг ҳар бир граждани давлат медицина муассасаларида зарур ёрдамни олади. Мамлакат медицина ходимлари уюшмасининг бу ерда бўлиб ўтган йиллик конференциясида нутқ сўзлаган Эфиопия соғлиқни сақлаш министри Теферра Вонде шу ҳақда гапирди.

Ҳукумат янги касалхона ва клиникалар, шунингдек халқ ҳокимияти маҳаллий органлари ҳузурида медицина марказлари қуришни режалаштирмоқда, деди министр. Олти йил мобайнида маъмурият маҳаллий органларининг қарийб икки минг ходими махсус медицина курсларини битириб чиққанлиги тўғрисида диплом олди.

Юқумли касалликларга қарши кураш кампанияси, деб таъкидлади министр, программанинг муҳим қисмидир. Ихтисослаштирилган 80 та марказда энг кўп тарқалган олти касалликка қарши 250 минг бола эмланди. Яқин вақт ичида яна 40 та шундай пункт ишлай бошлайди, деб хабар берди министр.

ҚОҲИРА ҚАЛЪАСИНИНГ ҒАМГИН КЎРИНИШИ

ҚОҲИРА. Машҳур Қоҳира қалъасини томоша қилгани келган туристлар мачитлар ва саройлар билан ёнма-ён Мисрдаги энг ғамгин — қамоқхоналардан бири жойлашганлигидан шубҳаланмайдилар. Миллий тараққийпарвар (сўл) партиянинг ахборот бюллетени бўлган «Ал-хуррият»нинг таъкидлаб ёзишича, қамоқхона ишларни снёсий полициянинг маҳкамасида жойлашган бўлиб, бу ерга ҳозирги режим снёсатидан норози бўлган кишилар қамалади. Шунинг учун ҳам, деб ёзади «Ал-хуррият», махбуслар билан шафқатсиз муомалада бўлиш, қонунчиликни ва халқаро конвенцияларни бузиш тўғрисидаги хабарлар шу ердан тарқалади.

«Ал-хуррият» бюллетени қалъа ичидаги қамоқхона тўғрисидаги ҳикоясини унинг тош деворлари ичида бўлган кишилар билан суҳбатлашиб, давом эттиради.

Тергов қилинаётган кишилар, деб уқтиради «Ал-хуррият» шафқатсиз жазоланадилар.

Маъмурлар, деб ёзади бюллетень, қалъадаги ҳукмрон тартиблар тўғрисидаги ҳақиқатни беркитишга уринмоқда. Худди шунинг учун ҳам улар халқаро юридик ташкилотлар вакилларининг қамоқхонага киришига рухсат бериш тўғрисидаги илтимосларини қаттиқ туриб рад этмоқдалар.

Баланд тепаликда жойлашган қалъани Миср пойтахтининг рамзи деб ҳисоблайдилар. Қалъа кўриниши миллионлаб нусха открткалар ва реклама проспектларида акс эттирилган, ранг-баранг сувенирларда ўз аксини топган. Лекин ҳозир, «Аль хуррият» мақоласидан кейин беихтиёр шундай савол туғилади: «ҳар ҳолда Қоҳира қалъаси нимани рамзи экан?».

ФОТООБЪЕКТИВДА — ҲИНДИСТОН.
СУРАТДА: Ҳиндистоннинг пойтахти — Деҳли кўчаларидан бирида.

«Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш анча яхшилансин... Буюртмаларни бажариш сифати ва хизмат кўрсатиш маданияти оширилсин».
(«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»дан).

• *Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?*

АҲОЛИГА ҚУЛАЙ БЎЛАДИ

Шаҳримизда кишиларнинг рўзғор меҳнатини енгиллаштириш ва уй хўжалигини юритишга сарфланадиган вақтини қисқартириш мақсадида кўп иш қилиняпти. Бунга маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг барча меҳнатчилари қатори, бизнинг фирмамиз коллективи ҳам муносиб ҳисса қўшяпти. Бугунги кунда бажариладиган юмушларнинг турларини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш ҳодимларимиз олдида турган асосий вазифалар ҳисобланади. Айниқса буюртмалар қабул қилувчи пунктларни аҳоли яшайдиган, ишлайдиган жойларга яқинлаштиришга катта аҳамият беряпмиз. Чунки ҳамшаҳарларимиз у ёки бу маиший хизмат кўрсатиш устахонаси қаерда жойлашганини излаб қимматли вақтларини зое кетказмасликлари керак.

Шу мақсадда кейинги йилларда бир қанча тадбирлар амалга оширилди. «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ва Авиасозлар шаҳарчасида комплекс қабул пунктлари очилганлиги айни муддао бўлди. Ҳамшаҳарларимиз учун Навоий кўчасидаги «Сервис» марказий уйида ҳам қаерда жойлашганини излаб қимматли вақтларини зое кетказмасликлари керак.

Шу мақсадда кейинги йилларда бир қанча тадбирлар амалга оширилди. «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ва Авиасозлар шаҳарчасида комплекс қабул пунктлари очилганлиги айни муддао бўлди. Ҳамшаҳарларимиз учун Навоий кўчасидаги «Сервис» марказий уйида ҳам комплекс қабул пункти ишга туширилянти. Эндиликда бу ерда маиший хизматнинг барча юмушлари бўйича буюртмалар қабул қилинадиган бўлади. Телефон орқали справкалар бериш бўйича абонемент хизмати ҳам тошкентликларга маъқул бўлди. Фирмамиз коллективи шу йилнинг биринчи кварталида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан аҳолига 16,8 процент кўп хизмат кўрсатди. Бундай ўсишга ходимларимизнинг ижодкор меҳнати туфайли эришилди. Жумладан, тикувчилик-совғалар устахонаси, салқин ичимликлар цехи очилди. Массаж хизмати йўлга қўйилди.

Шу йил охиригача корхоналар территориясида ва уларга яқин жойларда яна бир нечта комплекс қабул пунктлари очиш кўзда тутилган. Яқин кунларда «Подъёмник» заводи меҳнатчилари ана шундай қулайликка эга бўлишади. Корхона ишчи ва хизматчилари учун қурилган тўққиз қаватли бинонинг биринчи қавати комплекс қабул пункти учун ажратиб берилди. Ҳозир уни жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етказиляпти.

Биз КПСС XXVI съезднинг илҳомбахш қарорларига жавобан бунёдкор халқимизга маиший хизмат кўрсатишни мунтазам такомиллаштириб борамиз. Ишимизнинг самарадорлиги ва сифати яхшиланишига, хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга алоҳида эътибор берамиз. Энг муҳими маиший хизмат аҳолига қулай бўлиши учун барча имкониятларни ишга соламиз.

С. НУРИДДИНОВ,
Тошкент «Сервис» фирмасининг директори.

КОММУНИЗМНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА БАТАМОМ ҚУРИШ УЧУН КУРАШИШ КОММУНИСТИК АХЛОҚНИНГ АСОСИДИР. КОММУНИСТИК РУҲДА ТАРБИЯ БЕРИШ, УҚИТИШ ВА БИЛИМ ЎРГАТИШНИНГ АСОСИ ҲАМ МАНА ШУНДАН ИБОРАТ, КОММУНИЗМНИ ҚАНДАЙ ЎРГАНИШ КЕРАК, ДЕГАН САВОЛГА ЖАВОБ БЕРИШ ҲАМ ШУНДАН ИБОРАТ.

В. И. ЛЕНИН.

Одоб-ахлоқ ҳақида

оқшом суҳбатлари

№1

Азиз оқшомхон дўстлар! Бугундан бошлаб газетамиз саҳифаларида «Одоб-ахлоқ ҳақида оқшом суҳбатлари»ни ёритиб борамиз. Кўпчилик оқшомхонларимиз илтимосларини инобатга олиб, шундай саҳифани ташкил этмоқдамиз.

Маълумки янги инсонни шакллантириш, уларда энг яхши инсоний ҳис-туйғуларни, орзу-умидларни, юксак инсоний фазилатларни уйғотиш ва камолга эриштириш учун жонажон Коммунистик партиямиз ва ҳукуматимиз барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Замонимиз тинч, ҳаётимиз фаровон. Шундай экан, коммунизм қурувчи авлодни тарбиялашда ҳамма имкониятлардан фойдаланишимиз керак. Улуғ рус ёзувчиси Антон Павлович Чехов: «Инсонда ҳамма нарса гўзал бўлмоғи лозим: юзи ҳам, кийими ҳам, қалби ҳам, фикри ҳам», деган эди. Совет кишиларида ана шундай фазилатлар мужассамлашган.

Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни бериладиган ушбу саҳифада оила, одоб-ахлоқ, маданият, меҳнат, фарзанд тарбияси, инсоний муносабатлар ва бошқа мавзуларда қизиқарли материаллар ёритиб борилади. Унда олимлар, ёзувчилар, педагоглар, меҳнат қаҳрамонлари, табаррук ота-оналар, маҳаллаларнинг комитетлари аъзолари, тарбиячилар ва мураббийлар, барча оқшомхонлар қатнашадилар.

«Одоб-ахлоқ ҳақида оқшом суҳбатлари» даврасига марҳамат қилинг, хатларингизни кутамиз азиз оқшомхонлар!

Оила даврасида

ОТА-ОНА ИБРАТИ

Онанинг кўнгли-болада, боланинг кўнгли далада! Мажозий бу ҳикматда катта маъно бор. Бола кўнгли қизиқ. Баъзида бола кўнглига қараш, талтайтириш яхшиликка олиб бормайди, бола ишёқмас бўлиб ўсади. Бу тоифадаги ота-оналар фахрланиб: «Биз ўз фарзандларимиздан ҳеч нарсани аямаймиз» дейдилар. Хўш, болани шу билан бахтли қилиб бўладими? Йўқ, албатта. Бола ҳеч нарсага зориқмай, тик ўсса, ҳаётнинг қизиғи қолмайди. Яшашнинг лаззати эртанги кун ҳақида ўйлашда, унинг янада яхши, завқлироқ ўтиши устида қайғуришда, тер тўкиб меҳнат қилишдадир.

Ота-оналар ҳар хил бўлади. Эр-хотин ишлашиб, яхшигина маош оладиган бир оилани биламиз. Феъли кенг одамлар. Лозим бўлганда ёру дўст, қўни-қўшнилардан ҳеч нарсани аяшмайди. Болаларга келганда пулга қаттиқ туришади, чўнтакларига ортиқча пул солишмайди. Керак бўлганда тийинтийнингачга санаб беришади. Улар болаларини меҳнат қилиб, пул топишнинг қадрига етишсин, деб шундай қилишади. Ота-она фарзандларини ёшликдан меҳнатда тарбия топишларига алоҳида аҳамият беришади.

Меҳнатсевар оилаларда ўсган болалар ёшликданоқ рўзғорнинг бутун «сир»ларини ўрганиб борадидар. Чунки ҳаёл меҳнат билан топилган пулнинг ҳар бир тийинини ота-оналари тежаб-тергаб сарф қилишганини кўриб, кўзлари пишиб боради.

Катта маош билан яшайдиган баъзи оилаларда ўсган болалар кўпинча қийинчилик кўрмай, ёмон тарбияланадилар. Улар ота-оналари катта-катта сарф қилганликларини, унча-мунча пулни менсимасликларини кўриб, турмушни осон деб ўйлай бошлайдилар. Бундай ота-оналар болалари олдида пулнинг қадрини ошириш ўрнига уларни «шартта-шартта» сарф қилишга ўргатадилар, болани пулга ўргатиш хавфли эканини назар-писанд қилмай, арзандаларининг чўнтакларига майда ҳаражатлар учун катта-катта пулларни солиб қўядилар. Бола ҳам бемеҳнат, беташвиш чўнтакка кирган пулни ҳеч аямай исроф қилади. У ота-онаси яна пул беришини билади. Шу тахлит бола пулга ўрганади, уни қадр қилмайдиган бўлади.

Ҳар бир ота-она ўғил-қизини ёшликдан оилавий ҳаётга чиниктира бориш билан бир қаторда, уни ижтимоий фаолиятга тайёрлаши, яъни унда жамият, одамлар фойдасини кўзлаб меҳнат қилиш иштиёқини тарбиялаб бориши, мактабда яхши ўқиб, меҳнатда ҳам чиниқиб бориши учун ғамхўрлик қилиши жуда муҳимдир.

Айрим ота-оналар боланинг меҳнатга бўлган ҳавас-иштиёқларини ўзларининг сабрсизликлари, ноўрин хатти-ҳаракатлари билан сўндириб қўядилар. «Мунча ношудсан!», «Шуни ҳам уддасидан чиқа олмадингми?», «Сен бир нарсани эплай олармидинг?» каби қўпол сўзлар айтиб, жеркиб, қўлидан ишни тортиб, ўзлари қилишга тутинадилар. Наҳотки, улар боланинг ҳали бола эканини тушунмасалар!? Болани яхши гап билан яхшиликка ундаш мумкин бўлганидек, ёмон гап билан уни фақат ундан чиқариш мумкин. Зеро болалар ёшликдан уринчоқ бўлишади, ҳар нарсани қилиб кўришни, ясашни, бузишни ёқтирадилар. Яхшиси катталар боладаги ана шу ташаббусни қувватлаб, уни фойдали томонга бурмоқлари керак.

...Анвар 6-синфда ўқийди. Меҳнат дарсида қоғоздан ясашни ўрганиб қайтди. Уйда ўзи уриниб, қоғоздан ясашга ҳаракат қилди. Ҳаммаси жойида бўлдию, дастасига келганда негадир уддалай олмади. Дастани арралаб фанерни қандай бириктириш устида ўйлаб турган эди, дадаси эшикдан кириб келди. Ўғлининг ишига разм солган ота мийигида кулиб қўйди:

— Ҳа, уста, ҳорманг, нима ҳаракат?

Боланинг ақли етмай қолган ишни энди ота-бола биргаликда бажаришади. Ниҳоят қоғоздан ҳам тайёр, ёш «уста»нинг юзида севинч, табассум жилваланарди... Ота ўғлининг қилган иши учун мақтаб қўяди. Онанинг хурсандлиги ҳам шундай кўринди турарди. Анвар отасига ўхшаб устахонада ишлашни жуда-жуда ёқтиради. Тунов куни укасига стулча ясаб берганида у қанча сувонганди. Уйга атаб сабзитахта, тузлик, вешалка, оёқ кийимлари учун махсус этажерка ясаб, ойисини хурсанд қилди.

Бу оилада отанинг ўзи меҳнатсевар, қўли олтин, билмаган иши, ҳунари йўқ. Ота ўғилларини болаликдан ёнига олиб, ҳар хил ишларга ўргатди, чиниқтирди. Яхши ишлари учун мақтади, ўз билгиси билан иш қилганда севинди, қўллаб-қувватлади. Шу тарзда фарзандларида меҳнатга ҳавас, ихлос уйғота борди.

Боланинг ёши улгайган сари буюриладиган ишларнинг мазмунини кенгайтириб, мураккаблаштириб бориш лозим. Акс ҳолда болада фаоллик йўқолади.

Хуллас, болалардаги меҳнатсеварлик, тадбиркорлик, чаққонлик каби яхши фазилатлар оиладаги тўғри тартиб, ота-онанинг ижобий намунасида камол топа боради. Ота-онанинг ибратли ҳаёти болаларга намунадир.

О. ТЎРАЕВА,
Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти доценти.

Н. ОРИПОВА,
институтнинг катта ўқитувчиси.

Ўқуша қариган, пири бадавлат бу оила — Мирзаахмад Маҳмудов Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, она — Қумри ая Маҳмудова ўн нуроний ота-онанинг ҳаёти ширин, диллари равшан, умид-орзуларининг чеки йўқ. Ота бир фарзанднинг қаҳрамон онаси. Уларнинг уч нуёви, олти келини, йигирмадан ортиқ невара-чеваралари бор. Тошкент райони меҳнаткашларни табаррук оилани яхши билишади. Уларнинг оиласида ҳамма касб кишилари бор десак муболаға бўлмайди.

Х. Суннатуллаев фотоси.

Ишхона — иккинчи уйимиз

СОҒЛОМ КАЙФИЯТ БЎЛСА...

Бугун Нигоранинг туғилган куни. Уни боғчасидаги ўртоқлари ҳам, боғча опаси ҳам табриклашди. Ҳатто унга торт совға қилишди. Кечқурун уйда яна байрам бўлади. Маза!

Эшик жиринглаши билан Нигора биринчи бўлиб чопқиллаб борди.

— Адажон! Бугун ман туғилдим! — деди эшикдан кириб келган дадасининг бўйнига осилиб. Бироқ Мухтор аканинг қовоғи солиқ эди.

— Қўй, осилма! — деди жеркиб.

Нигора жовдираб қолди.

— Манга нима обкелдиз?

— Ма! — Мухтор ака қизчасининг олдига қизил туфлича ташлади. Бироқ Нигора суюнгани йўқ. Дадасининг кайфияти беихтиёр болага ҳам юқди. Ошхонада овқат қилаётган онаси сочиққа қўлини артиб чиқди. Мухтор акага ҳайрон бўлиб қаради:

— Тинчликми?

— Келдим-да, ишқилиб! — Мухтор ака чарчаганини баҳона қилиб ётоққа кириб кетди. Қўшнилар чиқиқанидан кейингина дастурхон ёнига келиб ўтирди. Шампан ичишди, Нигора учун болалар қўшиғи ёзилган пластинка қўйишди. Бироқ барибир байрам татимади.

Аслида бугунги дилсиёҳликка арзимаган нарса сабаб бўлди. Мухтор ака ишга кетаётганда кайфияти яхши эди. Бугун қизчасини ўпиб қутламоқчи эди. Тушлик пайтида шоша-пиша овқатланди-ю магазинга югурди. Худди қизчасига лойиқ туфли беришаётган экан. Аксига олиб одам кўп эди. У навбатда узоқ туриб қолди. Ишга беш минут кечикиб келди.

Эшикдан кириши билан Ҳамдам ака деган ҳамкасбидан таъна эшитди:

— Қанақа одамсиз ўзи? — деди Ҳамдам ака даргазаб бўлиб. — Бу давлатнинг идорасими ёки карвон-сароймі? Нимага кеч қоласиз?

Мухтор ака ярим ҳазил, ярим чин билан қутилмоқчи бўлди:

— Бўпти, ишдан кейин ярим соат ортиқча ўтира қоламан.

Бироқ Ҳамдам ака гапиртиришга қўймади:

— Доим шунақа қиласиз. Қайси куни телефонда 6 минут гаплашдингиз. Мана! — у тортмасидан дафтар олиб кўрсатди. — Ҳаммасини ёзиб қўйишман. Сешанба куни ҳам 2 минут кечиккансиз.

Мухтор акага ўнинг гапи таъсир қила бошлади. Раҳбарлар эмас, ўзининг бевосита бошлиғи эмас, ҳамкасби ҳадеб дашном бериши унинг ғашига тегиб келар эди. Тушлик пайтида кимнинг аския айтиб кулгани, ким қачон ким билан кинога боргани, ҳаммасини ёзиб юради. Энг ёмони шундаки, унинг ўзи ишни қойиллатиб қилолмайди. Тўғри, ишхонага минут-минутда келади, минут-минутида чиқиб кетади, роса 40 минут тушлик қилиб яна қайтиб келади. Бироқ кун бўйи сигарет тутатиб ўтиришдан бошқа иши йўқ. У хонага кириб иғво қилади, бу хонага кириб иғво қилади...

Ҳар гал таъсир қилмаса ҳам бу сафар Мухтор аканинг жаҳли чиқиб кетди.

— Ўзингиз бирон ишни қойил қиляпсизми?— деди жаҳл билан.— Бугун қизимнинг туғилган куни. Шунга совға олмоқчи эдим.

Ҳамдам ака қўл силтади:

— Бунисининг ишхонага алоқаси йўқ. Иш бошқа, уй бошқа. Қизингизнинг туғилган куни бўлса оддих куни нишонланг.

— Буни сиздан сўраб ўтирмайман! — деди Мухтор ака жаҳл билан.

Хуллас, кун бўйи унинг иши унмади. Кечқурун уйига дўстларини таклиф қилмоқчи эди, шу ҳам юрагига сиғмади...

Баъзан қизиқ ҳолатлар бўлади. Айрим кишилар ишхона билан уйни бир-биридан ажратадилар. Иш — иш билан, уй-уй билан, деган ақидага амал қиладилар. Аслида шундаймикин? Ишхона ҳам одамнинг ўз уйидек гап. Аслида умрнинг энг мазмунли пайти ишхонада ўтади. Одам уйига дам олишга боради. Яратувчанлик фаолияти — ишхонада ўтадиган иш ҳам унумли бўлади, коллектив ҳам соғлом бўлади. Бизда бундай коллективлар жуда кўп. Ўн минглаб кишилар ишлайдиган катта заводлардан тортиб, кичик коллективли ташкилотларгача асосан шундай вазият ҳукмрон. Бироқ, озмикўпми ҳамма жойда ҳам курмаклар учраб туради. Яхши коллективнинг ўзи бундай иллатни ё сиқиб чиқариши ёки тарбиялаши лозим. Негаки ишхона ҳар биримизнинг иккинчи уйимиз, тўғрироғи асосий уйимиздир.

Бироқ 5— 6 кун ишимиздан узоқлашиб кетсак яна ўз касбимизни қўмсай бошлаймиз. Демак биз ўз ишимизни яхши кўрамиз. Бироқ одамнинг иши унумли бўлиши учун, киши ўз касбига меҳр қўйиши учун ишхонадаги кайфият катта роль ўйнайди. Ишхонада дўстона кайфият бўлса, одамлар бир-бирининг тақдиридан хабардор бўлса, керак пайтда бир-бирига қайишса, керак пайтда бир-бири билан баҳслашса, керак пайтда бемалол қаҳ-қаҳ уриб кулиша олса, мана шу ташкилотда соғлом вазият мавжуд бўлади. Қайси ташкилотда бир-бирининг кетидан «материал тўплаш», бир-бирини иғво қилиш, лагбардорлик, ғўдайиш каби кайфият мавжуд бўлдими иш— унумсиз бўлади. Бинобарин бундай ҳолатнинг катта иқтисодий зарари бор. Ҳар бир одам меҳнат кишисигина бўлиб қолмай тирик одамдир. Ҳар бир одамнинг ўзига яраша қувончи, ташвиши, ғам-кулфатлари бўлади. Одамзот қизиқ. Бировга қувончини айтса шодлиги янада кўпаяди, бировга ғамини айтса ташвиши камаяди. Коллективда мана шундай ҳолат бўлгандагина — бир-бири билан фикрлашиш, ҳаратлашиш, маслаҳатлашиш кайфияти бўлгандагина иш ҳам унумли бўлади, коллектив ҳам соғлом бўлади. Бизда бундай коллективлар жуда кўп. Ўн минглаб кишилар ишлайдиган катта заводлардан тортиб, кичик коллективли ташкилотларгача асосан шундай вазият ҳукмрон. Бироқ, озмикўпми ҳамма жойда ҳам курмаклар учраб туради. Яхши коллективнинг ўзи бундай иллатни ё сиқиб чиқариши ёки тарбиялаши лозим. Негаки ишхона ҳар биримизнинг иккинчи уйимиз, тўғрироғи асосий уйимиздир.

Н. ВАЛИЕВ.

«ИНСОН — ҲАЁТ ГУЛТОЖИ» АНКЕТАСИ

Донолар, алломалар, ёзувчи ва шоирлар, меҳнатда донг таратган кишилар, устоз ва мураббийлар ҳаёт нима эканини, унда қандай яшаш кераклигини, инсоннинг энг яхши фазилатлари нима эканини туб маъноси билан чуқур ҳис этадилар. Ана шундай гўзалликлар, инсоний хислатлар ва ҳаётий воқеалар ҳақида маълумот бериб бориш мақсадида «Инсон — ҳаёт гултожи» анкетасини ташкил этдик. Оқшомхонлар унда атоқли кишиларимизнинг дил сўзлари билан танишиб борадилар.

1. Инсонийлик деганда қайси фазилатларни тушунасиз?
2. Қандай одамни ёмон кўрасиз ва нима учун?
3. Умрингиздаги энг бахтиёр дамларни айтсангиз.
4. Эътиқод масаласига қандай қарайсиз?
5. Оилада, фарзандларга муносабатда энг муҳим нарса нима деб ҳисоблайсиз?
6. Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

«ИНСОН — ҲАЁТ ГУЛТОЖИ» анкетаси саволларига Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати НАЗИР САФАРОВ жавоб беради:

1. Инсонийлик деганда бир ёки бир неча фазилатни кўрсатиш кифоя қилмайди. У қатор фазилат ва хислатлардан таркиб топган. Тўғрилик, камтаринлик, ростгўйлик, самимийлик, беминнат хизмат, сўз билан дилни бир қилиш, одоб-ахлоқли бўлиш инсонийликни шакллантирувчи фазилатлардандир. Чинакам инсоний шахс халқ ташвиши билан яшаши, эзгуликни муқаддас билиши, она-Ватанга содиқ ва фидокор бўлиши лозим. Халқнинг «Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл» дегани нақлида ҳикмат кўп. Энг аввало, одам бўлиш, ёшликдан ана шу фазилатларни вужудга сингдириб бориш керак.

2. Инсоний фазилатлардан маҳрум бўлган кишини ёмон кўраман. Риёкор, товламачи, ишёқмас, бурдоқи, ҳасадчи, маиший бузуқ, давлатга, ўз яқинларига хиёнат қилиш иллатига мубтало бўлган одамлар орамизда йўқ эмас. Бундайлар инсон номига иснод келтирадилар.

3. Ҳаётимда бахтиёр дамлар жуда кўп бўлган. Интирманчи йилларда савод чиқариб, саводсизликни битиришга отланган эдим, ёшлиларнимда, ўзимни бениҳоя бахтиёр сезган эдим. Ленин комсомоли сафига ўтиб, волость комсомол комитетида секретарь бўлиб ишлаган онларим-чи? Бу лаҳзаларни ҳамиша ички бир соғинч билан эслайман. Балки навқиронлик йилларим билан боғлиқ бўлгани учун шундайдир. Кейин ҳам ҳаётимда бахтли онлар кўп бўлди. 60 йиллик онгли фаолиятим мобайнида ҳаёт менинг учун улуғ дорилфунун вазифасини ўтади. Ярим асрдан ортиқроқ жамиятимизнинг етакчи кучи бўлган Коммунистлар партияси сафида садоқат билан хизмат қилиш, темирчига шогирдликдан Ўзбекистон халқ ёзувчиси даражасига эришишдан буюқроқ бахт борми?!

4. Эътиқод— бу ихлос, садоқат деган сўздир, бирон гояга ўзни бағишлаш, унга имон келтириш, керак бўлганда жон фидо қилиш демакдир. Ватанга садоқат, муайян бир таълимотга, масалан, қуёшдек барқарор марксизм-ленинизм г а содиқ бўлиш бунга мисол бўла олади. Эътиқодсиз одамда маслак ҳам, имон ҳам бўлмайди.

5. Халқда ажойиб ҳикматли гаплар бор. «Қуш уясида кўрганини қилади», «Бола бошидан»... деган мақолларнинг мазмунига эътибор беринг. Улар бизга тарбия энг аввало оиладан бошланишини уқтиради. Ахир бола онгининг шакллаиши ҳам оила муҳитига боғлиқ эмасми?! Шунинг учун ота-оналарнинг ўзи фарзандлар учун энг яхши намуна бўлиши, улар олдида ножўя гаплар гапирмаслиги, жанжаллашмаслиги, фарзандларни бир-бирига меҳр-оқибатли қилиб тарбиялаши керак. Болани ёшлик чоғиданоқ меҳнатга ўргатиш, ортиқча эркалатиб юбормаслик, одоб-ахлоқли қилиб тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга.

6. Вақт — ғаниматдир. Унинг ҳар бир соатидан унумли фойдаланиш керак. Айниқса, якса борган сари вақтнинг қадр-қиммати ортганини сезасан киши. Бўш вақтларимни ўз билимимни оширишга, маънавий, руҳий ва жисмоний мадад берадиган ишлар билан шуғулланишга сарф-лайман. Колхоз ва совхозларга чиқаман, дўстлар билан учрашаман. Китоб ва газеталар билан танишаман. Ҳозлимиздаги дарахтлар ва токларни парвариш қилишни ҳам яхши кўраман.

Одамлар орасида

ДИЛИ РАВШАННИНГ ЙЎЛИ РАВОН

ОЛАМ ГУЛИСТОН

Дўстим доктор Фидоий ҳикоя қилади:

— Чорсулаги ҳаммомга тушган эдим. Иссиқ хонасида бешўн киши ювиниб ўтирибмиз. Ёши элликларга борган бир киши мочалка ўрнида ишлатаётган сочигини тосда чайиб ўтирар эди. Шу вақт новча, рангсиз, озғин, эллик-олтмиш ёшлардаги бир киши қўлида тос кўтариб кириб қаторимизга ўтирди-да, ҳалиги сочигини чайиб ўтирган кишини кўриб бирдан қойиб кетди:

— Сен ўзинг инсонмисан, нимасан?!

Сочиқ чайиб ўтирувчи киши, гапни эшитмадими, индамай ишини давом эттираверди.

— Ҳой, сенга айтяпман, инсон! — деди киши баттарроқ ҳайқириб.

— Менга гапираяпсизми?

— Ҳа, сенга айтяпман, ҳайвонга ўхшаган одам! Қоидани билмайсанми, ҳаммомда кир ювиш мумкин эмас?!

— Кечирасиз, бу кир эмас, мочалка-сочнғим, шунга ҳам шунча ҳақоратми, тўғрилиқча аста айтсангиз ҳам бўлади-ку, шу гапингизни!

Бошқа ювиниб ўтирганлар орага қўшилишди:

— Тўғри-да, шунчалик ҳам қўпол бўласизми, оғзингиздан чиқаётган иборани қаранг, ўзингиз ким бўласиз?

Новча киши бир сўз демай, бирдан шамолдай учиб хонадан чиқиб кетди. Ўтирганлар бу «ширин муомалали» киши тўғрисида бир-бирлари билан энди сўзлаша бошлаган эди, новча киши оқ халатли мўйсафид ҳаммомчини бошлаб кириб келди ва унга (ҳаммомчига) дўқ уриб деди:

— Мана, кўряпсанларми, тосда кирини ювяпти, қарамайсанлар!

Ҳаммомчи киши юмшоқ табиатли кўринар эди, у таъзим қилгандай бир оз энгашиб, жилмайиб аста деди:

— Биродарлар, ҳаммомда кир ювиш мумкин эмас! — У новча кишига қараб узр айтди: — кечирасиз, хўжайин, энди кир ювишмайди...

Ҳаммомчи чиқиб кетди.

— Сиз мени ноҳақ ранжитдингиз, дилимни оғритдингиз, мен ўқитувчиман...

— Н-я, сен инсонмисан, инсон бўлсанг дилинг оғрийди-да! — заҳархандалик қилди новча киши.

— Э-э-э, — деди ювиниб ўтирган бир кекса киши новчага қараб, — ҳақиқатан ҳам мазанг йўқ одам экансан, болам... Шу одамнинг дилини ноҳақ оғритдинг,— кекса киши ўқитувчига қаради: қўяверинг, хафа бўлманг, мулла, бу киши ўзи шунақа бадфеъл одам экан.

Кейин билсак ҳалиги киши ўша ҳаммомчининг мудири экан...

— Мудирнинг талаби балки ўринлидир, — деди Фидоий давом этиб, — ҳазрати Луқмон айтганидек, ман этилган ишни, албатта қилмаслик керак. Бироқ, талаб бу йўсинда, яъни қўпол тарзда бўлмайди-да. Етиғи билан «бу иш мумкин эмас» дейилса ва «айбдор» киши «хўп бўлади» деб очиқ юз билан қабул қилса, олам гулистон.

СОПОЛ ҚУВУР

Дўстим Фидоийнинг бу ҳикояси менга шундай бир хотирани эслатди:

1930 йил бўлса керак, ўн бир-ўн икки ёшли чоқларим, боғимиз жуда обод, шийпонимиз қаршисидаги катта гулзоримиз айниқса яшнаган вақт эди. Бир кун дадам бозордан анча юк кўтариб келдилар-да, менга дедилар:

— Беш-ўнта сопол қувур олган эдим, юким кўплик қилиб, Олим дўппифурушнинг дўконига ташлаб келдим. Бориб олиб кел!

— Хўп, — дедим.

Қол қўлтиқлаб Чорсу бозорига жўнадим.

Олим амакининг дўконидан қувурларни қопга солиб орқалаб жўнадим. Қувурлар анча оғир эди. Носвой бозор, тамаки бозор (поякилик)лардан ўтгач чарчадим-да, гулбозорга (ҳозирги болалар дунёси магазинининг ўрни) бурилишдаги ердан бирор газ баланд қилиб қурилган кичкина темир-терсак дўконининг остонасига орқам билан аста юкимни қўйиб, қопнинг учини елкамдан бўшатмаган ҳолда дам ола бошладим. Дўконда харидор йўқ, яхши кийинган ўрта ёшли бир сотувчи тахтага тирсакланиб харидор кутиб ўтирар эди. У менга деди:

— Ҳай бола, кўтар қопингни, жўна бу ердан!

— Ҳозир амаки, чарчаб кетдим, озгина дам олай.

— Бу ер дам оладиган жой эмас, харидор киради, жўна дедим, жўна!

— Хўп, хўп, — дедим, аммо чарчоғим ҳали чиқмагани учун бу қулай жойда яна озгина ўтирмоқчи бўлдим...

Шу вақт дўкондор орқамдан келиб, қопимни кўтариб итариб юборди... Агар ўткинчи бир киши тутиб қолмаганда, аниқ эдики, мен тор йўлкадан ошиб, тош йўлга юз тубан йиқилар. Ўзим мажруҳ бўлганимдек, қувурлар ҳам синар эди... Мен. алам қилиб йиглаб юбордим.

— Э, биродар, бола нима гунох қилди, итариб юбордингиз, йиқилса нима бўлар эди?!. — деди мени тутиб қолган киши дўкондорга...

— Боравер, ишинг бўлмасин, ўлиб кетмайдими!...

Киши индамади. Ёнимда боратуриб, менга аста деди:

— Ўғлим, қўявер, хафа бўлма, бу одам ўзи шунақа экан...

Мен уйга келиб, бу ҳақсизликни дадамга алам билан сўзладим. У киши аввал жиддий тинглаб ўйланиб ўтирдилар ва кейин менга далда бериш учунми, кулдилар:

— Шунга ҳам хафа бўлишми... Сен ҳаётга энди кириб келяпсан... Ҳаётда ҳали шундай аччиқ-тизиқлар, ноҳақликлар, дағал-қўпол-ликлар бўладики, кўра-кўра чиниқасан, кўникасан. Бириси сени ҳурматлайди, қадрлайди, тақдирлайди, иккинчиси хўрлайди, ҳақоратлайди, жабрлайди... чунки инсонлар хулқи, феъли, табиати турлича яратилган. Уни ўзгартириш, маълум бир яхши маромга солиш қийин ва ҳатто кўпинча мумкин ҳам эмас, — деднлар.

— Демак, биров хафа қилса, озор берса, индаш керак эмас эканда...

— Йўқ, индаш керак, агар буни тақозо этса, ўзини ҳимоя қилишга қурби етса, можаро ва можарочи кимса индашга арзиса. Кўпол кишилар кўпинча онгсиз, андншасиз, жўн одамлар бўлади. Ўндайлар билан айтишиб, тенглашиб ўтириш — ўзи бир камчилик ҳисобланади...

Дадамнинг бу сўзларидан мен анча ёришдим, бояги аламлар кўнглимдан аригандай бўлди.

Ҳабибулла ҚОДИРИЙ,
ёзувчи.

ХУЛҚИ СОВУҚ ОДАМ

(БИР ШИНГИЛ ВОҚЕА)

ДИЛОЗОРДАН — ЭЛ БЕЗОР

Ҳамма ҳайратланиб қолди:

— Одам ҳам шунақа бўладими? — деди кекса бир отахон, — муомалангизни чиройли қилинг, бўтам.

— Отам ўлган, — деди қўпол киши чолга ёвқараш қилиб, — отанг ўлса насиҳатчи кўпаяди, дегани шу экан-да... Сиздақа насиҳатчиларнинг кўпини кўрганмиз.

— Қўйинг, ота, бу кишига бандаси бас келмас экан, — деди ёшгина жувон.— Гапирган эсиз сўзингиз.

...Аччиқ-қурум бу гапларга оддий бир вокеа, хулқи совуқ одамнинг ножўя ҳаракати сабаб бўлди. Автобус Қўштут бекатига келиб тўхтади: одамлар тушди, одамлар чиқди. Автобус анча бўшаб қолди. Ҳамма қатори дўмбоққина бир жувон оқ билагига сумкасини солинтириб эшик олдида суяниб турарди. Олдинги ўриндиқда эса еттисаккиз ёшдаги чиройли бир бола папкасини бағрига босиб ўтирарди. Шу пайт сўлқомондай гавдасини лорсиллатиб тунд башара бир киши олдинги эшикдан ҳансираб чиқди, одамларга бўзрайиб назар ташлади, дўмбоққина жувонга суқатойлик билан термулди, кейин олдинги ўриндиқда ўтирган болага қараб ўшқирди:

— Ҳай, тур ўрнингдан!— деди боланинг ёқасидан олмоқчи бўлгандек, гурзи қўлини чўзиб. — Мана бу опахонингга жой берсанг бўлмайдими, тўнғиздек бўлиб ўтирибсан-а. Э, тарбиясиз!

Боланинг кулча юзлари қизариб кетди, довдираб қолди, «дик» этиб ўрнидан турди.

Ҳамма ҳайратланиб қолди:

— Болани турғазманг, мен ўтирмайман, — деди кескин оҳангда дўмбоккина жувон, — нега боланинг дилини оғритасиз?

— Мен сизга яхшилик қиляпман-ку хоним!

— Бу яхшилик эмас, дилозорлик, — деди жувон.

Шундан кейин бояги чол қўпол одамга насиҳатомуз гапирган эди, аччиқ-қурум сўз эшитиб олди.

Автобусдаги одамларнинг ҳаммасининг дили оғриди, бола бечора Чинни завод бекатида тушди, автобусдаги қўпол одамга ўқинч билан бир тикилди-ю, мактаби томон кетди.

Одамлар ўйларди: «Ахир шу қўпол одам болага кўрслик қилмай, «Ўғлим, шу опанга жойингни бергин» деса, олам гулистон бўларди-ю». Йўқ, у дўмбоккина жувонга яхшилик қилиш учун эмас, ўзини кўрсатиш учун боланинг дилини оғритди. У топиб гапирмади, қопиб гапирди.

Т. РАСУЛЕВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 Тошкент бет Оқшоми

4 ИЮНЬ, 1981 й.

ТЕАТР

ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/VI да **Кузнинг биринчи куни,** 5/ VI да **Ганг дарёснинг қизи,** 6/VI да **Кузнинг биринчи куни.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4/VI да **Тошкентнинг нозанин малинаси,** 5/VI да **Гулсара,** 6/VI да **Ишонмасанг ўламан.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 4/VI да **Янги программа** — КУЛГИ КЕЧАСИ.

КИНО

4 ИЮНДА

Бадиий фильмлар:

«СЕВГИ ФАНТАЗИЯСИ» — **Санъат саройи** (16.15, 20.00 да, телефон 44-39-51), **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Москва** (тоқ соатларда), **Восток** (16, 18, 21.30 да, телефон 91-14-61).

«ТЕРГОВ» — **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75), **Қозғистон** (тоқ соатларда).

«ДАМ ОЛУВЧИЛАР ҲАЁТИДАН» — **Искра** (16, 18, 19.45 да, телефон 39-14-59).

«ОРИОН СИРТМОҒИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (тоқ соатларда),

«ТУНГИ ҲОДИСАЛАР» — **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75). **Қозғистон** (жуфт соатларда).

5 ИЮНДА

Бадиий фильмлар:

«СЕВГИ ФАНТАЗИЯСИ» — **Санъат саройи** (11, 12.45, 14.30, 16.15, 20.00 да, телефон 44-39-51), **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Москва** (тоқ соатларда), **Восток** (10.30, 12, 14, 16, 18, 20.30 да, телефон 91-14-61).

«ТЕРГОВ», — **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75), **Қозғистон** (тоқ соатларда).

«ДАМ ОЛУВЧИЛАР ҲАЁТИДАН» — **Искра** (16, 18, 19.45 да, телефон 39-14-59).

«ОРИОН СИРТМОҒИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (тоқ соатларда).

«ТУНГИ ҲОДИСАЛАР» — **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75). **Қозғистон** (жуфт соатларда).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА 6 ИЮНЬ СОАТ 18.00 ДА

олий лиганинг «НЕФТЧИ» (Боку) — «ПАХТАКОР» (Тошкент). командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Ўзбекистон ССР «Госснаби»нинг ГТ—1 сериядаги 0016891 номерли янги намунадаги меҳнат дафтарчасининг йўқолган

ТОЗА БЛАНКАЛАРИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ленин район Давлат страхованиеси инспекциясининг 25-формадаги БО сериали, 791601, 791602, 791603, 791604 номерли йўқолган

КВИТАНЦИЯЛАРИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент маданий-оқартув техникуми томонидан **Доннёрова Гуласал Алдошовна** номига берилган 460051 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ КИЕВ ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

1981—82 ўқув йили учун **ҚУЙИДАГИ ФАКУЛЬТЕТЛАРГА**

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МЕХАНИКА (ўқиш муддати — 5 йилу 6 ой) — УЧ ЙЎНАЛИШ БЎЙИЧА МЕХАНИК — ИНЖЕНЕРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **учиш аппаратлари ва двигателларнинг техник эксплуатацияси; учиш аппаратлари ва двигателларини ишлатиш; учиш аппаратлари ва двигателлари ремонти:**

АВИАЦИЯ РАДИОЭЛЕКТРОН УСКУНАЛАРИ (ўқиш муддати — 5 йилу 6 ой) — УЧ ЙЎНАЛИШ БЎЙИЧА РАДИОИНЖЕНЕРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **учиш аппаратлари радио системаларнинг эксплуатацияси; аэропортлар, радиолокация ва радионавигация системаларининг эксплуатацияси; аэропортлар алоқа системаларининг эксплуатацияси;**

АВИАЦИЯ УСКУНАЛАРИ (ўқиш муддати 5 йилу 6 ой) — УЧ ЙЎНАЛИШ БЎЙИЧА ИНЖЕНЕРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **авиация ускуналарининг техник эксплуатацияси; учиш аппаратлари, пилотаж—навигация комплексларининг техник эксплуатацияси; аэропортлар, электр ускуналарининг техник эксплуатацияси;**

АВТОМАТИК ВА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ (ўқиш муддати — 5 йил) — УЧ ЙЎНАЛИШ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА СИСТЕМОТЕХНИК ИНЖЕНЕРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИ: **электрон-ҳисоблаш машиналари эксплуатацияси; граждан авиациясида электрон-ҳисоблаш машиналарини қўллаш; авиация тренажерлари эксплуатацияси; бошқаришнинг автоматик системаларини ихтисослигидан қуйидаги йўналишлар бўйича: бошқаришнинг автоматик системасини лойиҳалаш ва эксплуатация қилиш; ҳаво ҳаракати бўйича бошқаришнинг автоматик системаси эксплуатацияси; учиш ахборотларини бошқариш ва қайта ишлашнинг ҳисоблаш комплекслари;**

ЭКОНОМИКА ИНЖЕНЕРИ (ўқиш муддати — 5 йил) — ИККИ ЙЎНАЛИШ БЎЙИЧА ЭКОНОМИКА ИНЖЕНЕРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИ: **савдо ишларини ташкил этиш ва планлаштириш; моддий-техника таъминотини ташкил этиш ва планлаштириш;**

Аэропортлар (ўқиш муддати — 5 йил) аэропортларни автоматлаштириш ва механизациялаш воситаларининг техника эксплуатацияси ва аэродромлар қурилиши бўйича қурувчи инженерлар;

ЕНИЛҒИ-МОЙЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ (ўқиш муддати — 5 йилу 6 ой) — **ёнилғи-мойлаш материалларини синаш ва қўллаш бўйича механик-инженерлар тайёрлайди.**

ЎҚИШГА 35 ЁШДАН ҚАТТА БЎЛМАГАН, ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ, САЛОМАТЛИГИ БЎЙИЧА ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ ИШЛАРИГА ЯРОҚЛИ КИШИЛАР ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Хотин-қизлар қуйидаги факультетларга қабул қилинади: экономика инженерлиги, автоматика ва ҳисоблаш техникаси, аэропортлар, аэродромлар қурилиши, ёнилғи-мойлаш материаллари.

Ўқишда фанлардан ўзлаштирган студентлар 1, 2, 3, 4 курсларда 40 сўм ва 5, 6 курсларда 45 сўм стипендия билан таъминланади. Барча студентлар умумий қимматининг 25 процентини тўлаш шарти билан формали кийим-бош оладилар, кўпчилик студентларга ётоқхонадан жой берилади.

Аризалар 20 июндан 31 июлгача топширилади. Унга ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома (асли), корхона маъмурияти тасдиқлаган характеристика, медицина справкаси (286-форма), 6 та фотосурат (3х4 см.) илова қилинади. Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Медицина кўриги қабул комиссиясининг йўлланмаси бўйича кириш имтиҳонлари бошлангунга қадар ўтказилади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Кирувчилар математикадан (ёзма ва оғзаки), **физикадан** (оғзаки), **рус тили ва адабиётидан** (ёзма) **имтиҳон топширадилар.**

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, 33-алоқа бўлими, Гоголь кўчаси, 77-уй.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

4 ИЮНЬ— ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Райко» ансамблининг концерти (Венгрия Халқ Республикаси). 18.30 «Миллионлар ленинча университети». «Социалистик экономикани бошқариш». 19.05 «Лайлан ҳақида эртак». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Инсон ва қонун». 20.00 «Штраус оиласи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. Буюк Британия телевидениесининг маҳсулоти. 21.30 «Время». 22.05 СССР халқ артисти И. Богачёва ҳамда Ленинград телевидениеси ва радиосининг В. Андреев номли рус халқ оркестрининг концерти. Дирижёр— В. Попов. 23.15 «Дунё воқеалари». 23.30 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. Финал ўйинлари. Прагадан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Армен Тигранян опералари саҳифаларида». Ереванда олиб кўрсатилади. 20.30 «Давлат Третьяков галереяси залларида бўйлаб». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.00 «Татаристон АССР халқ артисти Р. Ибрагимов куйлайди». Фильм-концерт. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». Мультфильм. 21.30 «Время». 22.05 «Салом, меҳрибон одам». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Болалар учун. «Визнинг «Ералаш» (рус.). 18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Зарбдор комсомол қурилишларида». 19.15 «Қўрқ қаҳрамонлари яратади». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси этнографик ансамблининг концерти. 20.30 «Ахборот». 20.50 Арманистон ССР халқ чолғу оркестрининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 Еврипид. «Медея». Телеспектакль премьераси. 00.10 Кўрсатувлар программаси.

5 ИЮНЬ— ЖУМА

АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БУТУНЖАҲОН КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Ёш спортчининг катта майдони». 10.35 «Штраус оиласи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. Буюк Британия телевидениесининг маҳсулоти. 12.05 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Атроф муҳитни муҳофаза қилиш Бутунжаҳон кунига бағишланган кинопрограмма: «Ҳаммамизнинг номимиздан», «Экологик тафаккур қилиш пайти», «Табиат қонунларига биноан», «Кодраларга янги кўчиб келганлар». 16.25 «Москва ва москваликлар». 17.05 «Совет-араб дўстлиги мустаҳкамланаверсин». Ҳужжатли фильм. 17.35 Тюмень область Нижний-Бартовск шаҳридаги нефтчилар «Октябрь» Маданият саройи ашула ва рақс ансамблининг концерти.

18.00 «Мамлакат далаларида». Донецк областида ем-хашак жамғариш тажрибасидан. 18.15 «Орлёнок» телестудияси ёш мухбирларининг медицина фанлари доктори, профессор С. Н. Фёдоров билан учрашуви. 19.00 «Кувноқ нотачалар». 19.15 Дунё воқеалари». 19.30 С. М. Киров номли Ленинград Давлат академик опера ва балет театрининг солисти Л. Шарова куйлайди. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 19.45 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали. 20.15 «Халқ чолғулари садолари». Гитара. 3-кўрсатув. 21.30 «Время». 22.05 А. С. Пушкин. «Шоҳ Султон ҳақида эртак». СССР халқ артисти М. Царев ижро этади. 22.50 «Дунё воқеалари». 23.05 «Джаз оҳанглари». Фильм-концерт.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 «Менинг Закарпатьем». Фильм-концерт. 19.05 Атроф муҳитни муҳофаза қилиш Бутунжаҳон кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси. 10.35 «Женя лақабли мушук ва кўча қоидаси ҳақида». Мультфильм. 10.50 «Горнчилар, қаердасиз!». 11.20 СССР халқ артисти А. Попов А. П. Чехов ҳикояларини ўқийди. 12.20 «Маламбо» ансамблининг концерти (Аргентина). 13.15 «Ўйноқи шуъалар». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 14.20 «Олга, болажонлар». 15.05 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси рус қўшиқлари академик хорининг концерти. Бадиий раҳбар — РСФСР халқ артисти Н. Кутузов. 15.30 «Ҳаётга йўлланма». Ҳунар-техника таълими билим юрти талабаларининг китоб ҳақидаги суҳбати. 16.30 «Музикада— давоми». Телевизион ҳужжатли фильм.

19.30 «Ов ҳақида ҳикоялар». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.00 Гандбол бўйича СССР кубоги. Эркаклар. Финал. МАСК Универсаль спорт залидан олиб кўрсатилади. 20.30 «Инсон. Ер. Коинот». 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Сеҳрли экран». 21.30 «Время». 22.05 «Портлатилган дўзах». Бадиий фильм.

Тошкент Давлат университети ректорати, партия комитети ва маҳаллий комитети тарих факультетининг СССР тарихи кафедраси доценти Н. А. Абдураҳимовага онаси

Сора Собировна АБДУРАҲИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ!

ҚИМ БЎЛСАМ ЭКАН? БУ САВОЛ БИЗНИ ЕШЛИКДАН ҲАЯЖОНЛАНТИРАДИ. ШОФЕРМИ, ВРАЧМИ, ҚУРУВЧИМИ?... ЭҲТИМОЛ, СОТУВЧИДИР?

Бугунги кунда сотувчилик касби —энг оммабоп ва кишилар учун зарур касблардан бири бўлиб қолди. Сотувчи— харидорнинг энг яқин ёрдамчиси ва маслаҳатчиси, бизнинг кайфиятимиз унинг оқиллиги, эътиборлиги ва хушмуомалалигига боғлиқ. Яхши сотувчи бўлиш осон эмас, лекин, Сиз савдода ишлашга аҳд қилган экансиз,

— «ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ!

«Шуҳрат»— бу республикамизда савдо корхонаси қошида очилган биринчи мактаб бўлиб, у саноат товарлари билан савдо қилувчи сотувчилар тайёрлайди. Мактаб-магазин ташкил топгандан буён ўтган 11 йил мобайнида уни минглаб йигит ва қизлар битириб чиқдилар. «Шуҳрат»ни дастлаб битириб чиққанларнинг кўпчилиги магазинларда бўлим ва секция мудирлари, директор бўлиб ишлашмоқда. «Шуҳрат» кадрларни аъло даражада етиштириб чиқарганлиги учун Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ҳамда савдо Бош бошқармасининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган, мактаб-магазин — СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкасининг дипломига сазовор бўлган.

Сотувчи бўлиш учун ёлғиз хоҳиш-истакнинг ўзигина кифоя қилмайди,— ҳозирги замон сотувчисида яҳши дид, товарларнинг афзаллиги тўғрисида жозибали ҳикоя қилиб бера билиш, харидорларнинг товарларни танлашларида ёрдам кўрсатиш, уларга янгиликлар ҳақида ҳикоя қилиб бериш хусусиятлари мужассамлашган бўлиши керак.

Харидорни қандай кутиш ва хизмат кўрсатиш керак, витринани дид билан безаш, харидни пухта ўраш каби кўпгина нарсаларни сизга «Шуҳрат» мактаб-магазини ўргатади. Уч ойга мўлжалланган назарий курсда сиз этика ва эстетика, совет ва меҳнат ҳуқуқи, товаршунослик асослари соҳасидаги билимларни эгаллайсиз. Уч ойлик практикада ишга керакли малака ва тажриба эгаллайсиз. Олти ойлик ўқиш ва практикадан сўнг сиз қизиқарли ва керакли касб эгаллайсиз. Агар ўқишни яна давом эттиришни истасангиз,—сиз Тошкент Совет савдоси техникумининг кечки ёки сиртқи бўлимларига имтиёзли шарт билан ўқишга киришингиз мумкин.

«ШУҲРАТ» мактаб-магазини саноат товарлари билан савдо қилувчи сотувчиларни тайёрлайди.

Мактабни тамомлаганлар сотувчи-контролер-кассир касбини эгаллаб, шаҳардаги йирик савдо корхоналарига ишга юборилади-лар.

ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ БИЛАН ТАНИШИНГ:

Мактаб-магазинга 16 ёшдан то 25 ёшгача бўлган 8—10 синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлар кириш имтиҳонисиз қабул қилинадилар.

Тошкентда доимий пропискада бўлиш шарт.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқувчиларга ойнга 63 сўмгача стипендия тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ УМУМИЙ ИШ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: аттестат ёки 8 синфни тамомлаганлиги ҳақида шаҳодатнома, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, мактабдан ёки сўнгги иш жойидан характеристика, агар бўлса—меҳнат дафтарчаси, турар жойидан справка, фотосуратлар (6х9 см. ҳажмида). Аризалар мактаб директори номига берилади.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Справкалар учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 11-квартал, 2-уй, ўқув қисми. Телефон 76-27-66.

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛММА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ

«КУЛГИ КЕЧАСИ»

ПРОГРАММАДА

МОСКВА ЦИРКИНИНГ 10 ТА МАСХАРАБОЗИ ИЖРОСИДА КЛОУНАДАЛАР, РЕПРИЗЛАР, МИНИАТЮРАЛАР, ЮМОР, ИНТЕРМЕДИЯЛАР.

«ТОМОШАБИНЛАРНИНГ БЕГЕМОТДА САЙР ҚИЛИШЛАРИ»

Сценарий автори — ЮРИЙ НИКУЛИН.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари, 13.00, 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари, 10, 13, 16, 19.30 да бошланади.

ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ КАССАСИ ИШЛАМОҚДА.

Касса соат 10дан 20.00гача ишлайди.

44-36-91, 44-35-84 ТЕЛЕФОНЛАРИ БЎЙИЧА СПРАВКАЛАР ОЛИШ МУМКИН.

Тошкент чарм ва спорт моллари ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузуридаги ЯНГИ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН

4-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1981— 1982 ўқув йилга

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Чарм ва спорт молларини тикувчилар, тикув машиналарини тузатувчи слесарлар, электромонтёрлар, чарм ва спорт молларини бичувчилар, чарм ва спорт молларини кесувчилар, молларни сортларга ажратувчи контролёрлар.

Ўқиш муддати 10 ой (6 ой назарий ўқиш, 4 ой амалий иш ўргатилади).

Билим юртига 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган, 8— 10 синф ҳажмида маълумотли, Тошкентда пропискада турувчи йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқишни тугатган ўқувчилар чарм ва спорт моллари ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга жойланади.

Ўқувчиларга ойига 50—75 сўм стипендия тўланади. Улардан ташқари ўқувчилар практика вақтида ишлаган ҳақларини ҳам қўшимча қилиб оладилар.

Армия сафидан бўшаб келганларга имтиёзли стипендия тўланади.

Қуйидаги ҳужжатлар зарур: маълумоти ҳақидаги ҳужжат, турар жойидан справка, мактабдан характеристика, 4х6 см. ҳажмдаги фотосурат, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, директор номига ёзилган ариза, соғлиғи ҳақидаги справка.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Генерал Узоқов кўчаси, 2-уй (11«э», 28«з», 34«э», 87-автобуслар, 7, 15, 16-трамвайлар, 8-троллейбуснинг «5-квартал» ёки «Беруний майдони» бекати). Телефон 42-44-04.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг

Н. К. КРУПСКАЯ НОМЛИ ТОШКЕНТ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

1981— 1982 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти мактабгача тарбия муассасаларининг мураббийларини тайёрлайди.

Ўқиш муддати— ўрта маълумотлилар группасида —2 йилу 6 ой; 8 синф ҳажмида маълумотлилар группасида — 3 йилу 10 ой.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: ўрта маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, медицина справкаси (286-форма), санэпидстанциядан справка ва 2 марта баклабораториядан анализ, 3х4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат.

Ҳужжатлар 8 синф ҳажмида маълумотлилардан —1 августгача, ўрта маълумотлилардан— 15 августгача қабул қилинади.

Қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари қабул қилинади: ўрта маълумотлилар учун: она тили ва адабиёт (ёзма), СССР тарихи (оғзаки).

8 синф ҳажмида маълумотлилар учун: она тили (диктант), математика (оғзаки).

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 178-уй. Телефон 78-55-64.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

ТОШКЕНТ ПОЛИГРАФИЯ ТЕХНИКУМИ

1981—82 ўқув йили учун

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:

ПОЛИГРАФИЯ МАШИНАЛАРИ ВА УСКУНАЛАРИ, ЮҚОРИ БОСМА ТЕХНОЛОГИЯСИ, БРОШЮРАЛАШ ВА МУҚОВАЛАШ САНОАТИ ТЕХНОЛОГИЯСИ, КИТОБ САВДОСИ ТОВАРШУНОСЛИГИ, ПОЛИГРАФИЯ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ПЛАНЛАШТИРИШ, КИТОБ ВА ЖУРНАЛЛАРНИ ТЕХНИК ТАҲРИР ҚИЛИШ.

СИРТҚИ БЎЛИМГА:

ПОЛИГРАФИЯ МАШИНАЛАРИ ВА УСКУНАЛАРИ, ЮҚОРИ БОСМА ТЕХНОЛОГИЯСИ, КИТОБ САВДОСИ ТОВАРШУНОСЛИГИ, ПОЛИГРАФИЯ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ПЛАНЛАШТИРИШ.

Ўқиш муддати: КИТОБ САВДОСИ ТОВАРШУНОСЛИГИ ВА ПОЛИГРАФИЯ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ПЛАНЛАШТИРИШ МУТАХАССИСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА —**2 йилу 10 ой** (8-синф ҳажмида маълумотлилар учун), **1 йилу 10 ой** (ўрта маълумотлилар учун); ҚОЛГАН БАРЧА МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА —**3 йилу 6 ой** (8-синф ҳажмида маълумотлилар учун), **2 йилу 6 ой** (ўрта маълумотлилар учун).

Техникумга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: 8 синф ҳажмида маълумот билан 1 курсга кириш учун — ОНА ТИЛИ (диктант), МАТЕМАТИКА (оғзаки), ўрта маълумот билан II курсга кириш учун — ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ (ёзма), МАТЕМАТИКА (оғзаки).

ЭСЛАТМА: **китоб ва журналларни техник таҳрир қилиш ихтисоси бўйича кирувчилар қўшимча бадиий чизма бўйича имтиҳон топширадилар.**

Китоб товаршунослиги ихтисоси бўйича II курса кирувчилар математика ўрнига тарих фанидан имтиҳон топширадилар.

Қабул қилинган ўқувчилар умумий асосда стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Техникумга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асл нусхаси), медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1 АВГУСТДАН 21 АВГУСТГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Ўқувчилар сафига қабул қилиш 21—25 август кунлари ўтказилади.

Аризалар 1 июндан 31 июлгача (ўрта маълумотлилардан 14 августгача) **қуйидаги адресда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, ГСП, Навоий кўчаси, 30«а»-уй (7, 8, 11, 16-трамвайлар; 1, 2, 4, 6, 7, 8, 14, 18-троллейбуслар; 14, 28, 42, 43, 64, 65, 76, 100-автобусларнинг «Хадра» ёки «Марказий телеграф» бекатлари).

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

ярим ўтказгичли приборларни йиғувчилар, контролёрлар, операторлар, синовчилар, слесарлар, электромонтёрлар, токарлар, фрезерчилар, созловчилар, дурадгорлар, бўёқчилар, герметизаторчилар. Иш ҳақи ишбай ва вақтоай.

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

слесарь-сантехниклар, ускуналар ремонти бўйича электрчилар; токарлар, электр пайвандчилар, қолипчилар, вагранчилар, шу касб бўйича шогирдлар. Елғизлар ётоқхона билан таъминланадилар. Қўйлиқ, Юнусобод, Чилонзор массивларига завод транспорти қатнаб туради.

КИРОВ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

ускуналарни созловчилар, қадоқловчилар, қайнатувчилар, карамелчилар, конфетларни ўрайдиган машина машинистлари, слесарь-монтажчилар, фаррошлар.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

вентиляция, ускуналар ремонти бўйича слесарь-сантехниклар; электромонтёрлар, лифт электр механиклари, газ электр пайвандчилар, юкчилар, токарлар, бухгалтерлар, инженер-диспетчерлар.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

тикувчи-мотористлар, фаррошлар.

ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА

юкчилар, механизмлар ремонти бўйича усталар.

КИРОВ РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА

инженерлар: иссиқлик техниклари, электриклар, қурувчилар, алоқачилар; агроном, рассом, бухгалтер-ревизорлар; алоқа марказий узели, гидротехника хизмати, техника хавфсизлигининг чидамлилиги хизмати секторлари бошлиқлари.

БИЗНИНГ АДРЕСЛАРИМИЗ:

Марказий пункт— Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

Ленин район пункти— Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.

Октябрь район пункти— У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.

Фрунзе район пункти— Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.

Ҳамза район пункти— М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.

Куйбишев район пункти— К. Маркс кўчаси, 59-уй.

Киров район пункти— Энгельс кўчаси, 89-уй.

С. Рахимов район пункти— Қорасарой кўчаси, 270-уй.

А. Икромов район пункти— 22-квартал, 13-уй.

Сергели район пункти— Район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

4 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»), —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат —33-57-02, бўлимлар: партия турмуши—22-53-66; саноат—32-53-83; қурилиш— 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—33-55-32; хатлар —33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 39-90-50.

4 ИЮНЬ, 1981 й. Р—07173. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64581. Б—2137.